O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 22-noyabr, shanba | № 94 (7599)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити» муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2003 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 25 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2003 йил 25 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрами жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
2003 йил 18 ноябрь

ЯНГИ МАКТАБНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИ

Ўқувчининг муваффақиятга эришишида унга яратилган шарт-шароит муҳим аҳамиятга эга. Яхши мураббий тарбияси эса эришилажак ютуқлар кўламининг янада кенгайишига туртки бўлади. Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернати фаолиятига назар ташласангиз ушбу фикрлар нақадар ҳақиқат эканлигига амин бўласиз. Мазкур таълим муассасаси 2002 йилда ишга туширилган бўлиб, замонавий ўқув жиҳозларининг ўрнатилиши, қолаверса, етук илмий салоҳиятга эга мутахассис кадрлар билан таъминланганлиги боис дастлабки ўқув йилидаёқ "Йил мактаби – 2002" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби бўлди.

Суратда: Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатнинг янги қад ростлаган замонавий ўқув биноси ҳамда илм масканининг инглиз тили ўқитувчиси Муножот Солиеванинг дарс жараёнидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Qish mavsumiga tayyormisiz?

«ЁЗ ЁПИНЧИҒИНГНИ ҚЎЙМА...»

ёхуд Қамаши тумани таълим-тарбия муассасаларида қишга тайёргарлик қай аҳволда?

Саратоннинг жазирама иссиқ кунлари ҳам ортда қолди. Юртимиз осмонида ёмғиру қорлардан "салом" олиб келган булутлар гоҳ якка, гоҳ гала-гала бўлиб суза бошлашди. Демак, ўлкамизга аёз отини қамчилаб, қиш яқинлашиб келаяпти. "Қиш келса, келаверсин" деб қўямизу, бироқ, барибир, ўз оти билан қиш қишда.

Ўша аёзли қиш кунлари, айниқса, ҳали улғайиб суяги қотмаган кичкинтойларимизни, ўқувчиларимизни кўпроқ эҳтиёт қилишимиз керак. Катта ҳаётий тажрибаларга эга бўлган аждодларимиздан бизгача етиб келган сабоқларнинг биттаси ана шу. Боболаримиз бежизга "Ёз ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан" дейишмаган.

Вилоятлару туманларда қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай якунланди? Болалар боғчаларию мактабларимизда қишга тайёргарлик ишларининг бугунги аҳволи қандай?

Ана шу тусдаги бир қатор саволларга жавоб топиш илинжида Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани ХТБга ташриф буюриб, қишга тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар билан танишдик.

Қамаши тумани ХТБ тасарруфида 84 та умумий ўрта, 16 та мактабгача ва яна 3 та мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасалари бор. ХТБ мудири вазифасини бажарувчи Х.Алимирзаев имзоси билан тасдиқланган "Қамаши туман ХТБнинг 2003—2004 ўқув йили учун кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги ҳақида маълумот"га қараганда, мавжуд 84 та мактабнинг 11 таси табиий газ билан, 11 таси суюқ ёқилғи билан, 4 таси марказлашган ҳолда ва қолган 58 таси кўмир билан иситилади. Мавжуд 16 та мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг эса 2 таси марказлашган ҳолда, 5 таси табиий газ билан, қолган 9 таси кўмир билан иситилади.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

«ҲАР КИМ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА»
2-бет

ТАБАҚАЛАШТИРИБ ЎҚИТИШ: ЗАРУРИЯТ, МУАММО, ЕЧИМ
3-бет

ЎҚУВЧИДА ДАРСЛИК БЎЛМАСА...
4-бет

ЭСЛАСАНГ, КЎНГЛИНГ ЁРИШАР
5-бет

БОҒЧА ҲАМШИРАСИ
унинг вазифалари нималардан иборат?
6-бет

«НИЛУФАР» СКАНВОРДИ
16-бет

Erta-indin Qamashi osmonidan "lop" etib qor yog'sa, ayozu sovuq kunlar boshlansa, ana shu 5 ta maktabdagi ahvol qanday kechadi? Maktablardagi ta'lim-tarbiya ishlariga putur etmaydimi?

«ЁЗ ЁПИНЧИҒИНГНИ ҚЎЙМА...»

ёхуд Қамаши тумани таълим-тарбия муассасаларида қишга тайёргарлик қай аҳволда?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мавжуд 3 та мактабдан ташқари, таълим-тарбия муассасаларининг барчаси мактабларда жойлашган бўлиб, ана шу мактаблар иситилса исийди, мабодо иситилмаса "кўп қатори"...

Қамаши тумани ХТБ мудирининг таъкидлашича, ҳозиргача, аниқроғи, биз туманда бўлган 6 ноябрь кунига қадар режадаги 2200 тонна кўмирдан 1780 тоннасини олиниб, мактаб ва мактабгача таълим-тарбия муассасаларига етказиб берилган. Бу борадаги режа ҳозирга қадар 80 фоиз атрофида уддаланган. Режадаги 260 тонна суюқ ёқилғидан 230 тоннаси олинган. Бу иш ҳам 85 фоизга яқин бажарилган. Тумандаги таълим-тарбия муассасаларида қишга тайёргарлик кўриш режасидаги 450 куб метр ҳажмдаги ўтин ҳам жамғариб қўйилган, печкалар таъмирланган, синган ойналар ўрнига бутунлари ўрнатилган.

Энди эътиборингизга бизга тақдим этилган маълумотномадаги қуйидаги сатрларни ҳавола этамиз:

"... 5 та мактабда, яъни Б.Чоршанбиев, Ф.Хўжаев, Ю.Охунбобоев, Х.Исмоилов номидаги ва 13-сонли мактабларнинг қозонхоналари қурилмаганлиги сабабли печкалар билан иситиш режалаштирилиб турибди..."

Қизиқ. Айтишларича, бу мактаблар янги қурилган мактаблар экан. Савол туғилади: иситиш тизилмалари қуриб битказилмаган мактаблар нега қабул қилиб олинди? Мабодо ҳали қабул қилиб олинмаган бўлса, у ҳолда нега у мактабларда болалар ўқишаяпти?

Азиз газетхон! Сиз янги этикни бузиб, ковуш ясаган уста ҳақидаги ҳикояни ўқиганмисиз? Чиройли бўёқларда безатилган, замонавий, гўзал мактабларнинг деворларини минг бир азобда ўйиб, ҳар бир қаватда, ҳар бир хонада печкалар ўрнатиб чиқилса? Энг аввало, бу ҳақида яна бир бор ўйлаб кўрмоқ керак. Бордию чорасизлик оқибатида янги мактабларнинг хоналарига одатий печкаларимизни ўрнатиш керак бўлиб қолди, дейлик ҳам. Қамаши туманининг ана шу 5 та мактаби учун қанчадан-қанча печкаю қувур ва яна қанча мўрилар керак бўлмайди дейсиз? Буларга кетадиган сарф-харажатлар салкам иситиш тизилмаларига кетадиган харажатларга яқинлашиб қолмайдими?..

Энди масаланинг иккинчи муҳим томонига эътибор қаратайлик. Шу ўринда доноларимиз бисотидан қолган "Туяни юкка элт. Мабодо бунинг иложини тополмасанг, юкни туяга элт", деган ибратни эсга олган маъқул. Ўша доноларимиз нима бўлса ҳам ишинг тезроқ битсин демоқчи. Эрта-индин Қамаши осмонидан "лоп" этиб қор ёғса, аёзу совуқ кунлар бошланса, ана шу 5 та мактабдаги аҳвол қандай кечади? Мактаблардаги таълим-тарбия ишларига путур етмайдими? Болалар қишнинг аёзида шамоллашиб, турли-туман хасталикларга чалинмаслигига ким кафолат бера олади?..

Бу каби ҳозирча жавобсиз саволларга қамашилик мутасадди раҳбарлар бирор-бир жўяли жавоб топишар, деган умиддамиз.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг
махсус мухбири

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

RASMIY TASHRIF

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov shu yil 24-26 noyabr kunlari Bolgariya Respublikasiga davlat tashrifini amalga oshiradi. Prezident I.Karimovning tashrifi davomida tomonlar transport kommunikatsiyalari, sayyohlik kabi istiqbolli sohalar bo'yicha atroflicha fikr almashadilar. Umuman ushbu tashrif munosabati bilan 10 dan ziyod ikki tomonlama hujjat imzolanishi kutilmoqda.

O'RTACHIRCHIQLIK BOLALARGA SOVG'A

O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi Toshken viloyat bo'limi O'rtachirchiq tumanidagi 1-bolalar va o'smirlar sport maktabiga ikki million 900 ming so'mlik sport jihozlari yetkazib berdi.

— Maktabda besh yuzdan ziyod bola kurash, boks, stol tennisi va taekvando kabi sport turlari bilan muntazam shug'ullanib kelmoqda.

"INFO-BIZNES 2003"

«O'zekspomarkaz»da O'zbekiston Tovar ishlab chiqaruvchilar va tadbirkorlar palatasi tomonidan «Zakovat» tadbirkorlarni axborot bilan qo'llab-quvvatlash ijtimoiy jamg'armasi hamkorligida tashkil etilgan «INFO-BIZNES 2003» birinchi ixtisoslashtirilgan ko'rgazma o'tkazildi.

Ko'rgazma Kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishni rag'batlantirish bo'yicha respublika muvofiqlashtiruvchi kengashi qaroriga asosan o'tkazildi.

КИЧКИНТОЙЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўқувчиларнинг кузги таътили пайтида С.Раҳимов тумани ўқувчилари бошланғич синфлар ўртасида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" мусобақасининг 2- босқичини ҳаяжон билан кузатишди. Об-ҳавонинг ноқулай келганлигига қарамасдан болакайларнинг жамулжам бўлиб келиши нафақат уларнинг ўз мактабдошларига ишқибозлигидан, балки спортнинг улар орасида оммалашиб бораётганлигидан ҳам далолат беради.

Қизғин кечган баҳсларда 242-мактаб ўқувчилари «Тўп сардорга» мусобақасида, 15-мактаб ўқувчилари мини футбол бўйича, 249-мактаб ўқувчилари эса шахмат бўйича беллашувларда ғолиб бўлишди. Спорт фестивалида эса 242- мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларидан иборат жамоа биринчи ўринни қўлга киритишди.

«Umid nihollari»

Ғолиблар туман халқ таълими ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлимининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

МУХБИРИМИЗ

O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining XI yilligi oldidan

«ҲАР КИМ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА»

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради». Бизнинг Конституциямизда ҳам мамлакатимизнинг тавсифи берилади, давлат ва жамият қурилишининг туб моҳияти, мақсади ва тараққиёт йўналиши белгиланган, ҳокимият, унинг тизими, фаолият принциплари, давлат органларининг асосий ваколатлари ифодаланган. Конституциямизда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари — шахсга маълум шароитда давлатдан муайян моддий ёрдам олиш имконини берадиган инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндисидир.

Билим олиш шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, у Конституциямизнинг 41-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра: **«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир».**

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари фақатгина давлат Конституцияси билангина ҳимояланиб қолмасдан, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари билан ҳам қўриқланади. Конституциянинг мазкур моддаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 26-моддасига тўла мос келади. Конституциямизнинг туб моҳияти давлатнинг ҳар бир шахс ҳақидаги ғамхўрлиги, унинг ҳаёти фаровон бўлиши, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари чинакам олий қадрият эканлигини таъминлашдан иборат.

Конституциявий моддаларнинг деярли ҳар учтасидан бири унда баён қилинган масала бўйича тегишли қонунлар қабул қилинишини тақозо қилади. Шу маънода таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда бутун жаҳон жамоатчилиги эътибори ва эътирофига тушганлиги ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, жойи, республика ҳудудида қанча вақт яшаётганидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади. Билим олиш учун ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилиши; бу борадаги давлат муассасалари ва нодавлат муассасаларини ривожлантириш, таълим олишнинг давлат белгилаган меъёрларда текин бўлиши, давлат муассасаларида шартнома асосида пул тўлаб ўқишга йўл қўйиш, таълим муассасаларининг барча турларини тугаллаганларга ўқишнинг навбатдаги босқичида тахсил олиш учун ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқлар бериш билан таъминланади. Билим олиш ҳуқуқи умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари фаолияти орқали таъминланади. Бундан ташқари, аспирантура ва докторантурада ҳам билим олиш мумкин. Уч босқични қамраб олган миллий дастурнинг бугунги кунда иккинчи босқичи, яъни дастур талабларини тўла рўёбга чиқариш, меҳнат бозорини ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилган. Республикамизда таълимнинг ягона тизими мавжуд бўлиши ўқув режалари ва дастурларининг келишилганлиги, таълимнинг давлат ва жаҳон стандартларига мувофиқлиги билан таъминланади. Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимлари зиммасига «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб белгиланди.

Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун давлатимиз томонидан етарлича шарт-шароит яратилмоқда. Давлат бюджетининг каттагина қисми шу соҳа учун ажратилаётганидан мазкур соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Замонавий, илмий-педагогик ўқитиш услублари таълимни сифат жиҳатдан бойитмоқда.

Биз сўз билан айтганда, билим олиш ҳуқуқининг мазмунини рўёбга чиқариш, ҳаётга татбиқ қилиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Таълим соҳаси билан боғлиқ яна бир жиҳат шуки, таълим муассасалари ҳисобланган мактаб ишлари ҳам давлат назоратидадир. Келажак ворисларимизга кимлар, нима ҳақида, қандай шакл-услубларда таълим-тарбия бераётгани ҳақида давлатнинг қайғуриши бежиз эмас. Биз фарзандларимизни миллий истиқлол руҳида тарбиялашимиз, ўзимизга муносиб ўринбосарлар тайёрлашимиз лозим. Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганидек: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур». Республикамизда ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг олий ўқув муассасаларида ўқишлари учун махсус грантлар ажратилиши, энг илғор ва чет элнинг машҳур университетларида ўқиб келишлари учун имкониятлар яратилиши ёш авлодга бўлган давлат ва жамият эътиборининг нақадар юксак эканлигини яна бир бор кўрсатади. Зеро, эртанги кун бугунги ёшларимиз қўлидадир. Шу боис, ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг сиёсий, маънавий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар масъулиятларини туб маънода ошириш долзарб масалалардан биридир.

Муяссар ИСОҚОВА,
республика Таълим маркази
ижтимоий билимлар бўлими
бошлиғи муовини

O'quvchilarning individual xususiyatlari, qobiliyatlari, imkoniyat darajalarini tashxisdan o'tkazmay turib, ta'limni tabaqalashtirish aslo mumkin emas.

ТАБАҚАЛАШТИРИБ ЎҚИТИШ: ЗАРУРИЯТ, МУАММО, ЕЧИМ

Мамлакатимиз таълим тизимининг тобора юксалишига хизмат қилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»даги бу соҳани тубдан ислоҳ қилишга қаратилган талаблар бугунги кунда изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Мазкур дастурда замонавий ва илғор педагогик технологияларнинг



ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий қилиниши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида алоҳида қайд этилган.

Маълумки, айни пайтда умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш маълум соҳа учун етук кадрлар тайёрлашнинг илк омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис, миллий дастурда ҳам ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларига қараб таълимга табақалашган ёндашувни жорий этиш белгилаб қўйилган. Бу муҳим ижтимоий, дидактик, психологик ва методик аҳамиятга эга вазифани амалга оширишда, аввало, мамлакатимиз, қолаверса, хорижий давлатлар олимларининг бу борадаги қарашлари ва тажрибаларини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда умумлаштириш улкан назарий ва амалий аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур масала мамлакатимизнинг йирик педагог ва психолог олимлари ҳамда амалиётчиларидан ушбу муаммо юзасидан кенг кўламда изланишлар олиб боришларини, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини жадаллаштиришларини ҳам талаб этади. Юртимиздаги таълим соҳаси ташкилотчилари, методистлар, ўқитувчилар ва олимларнинг бу борадаги олиб бораётган ишлари халқ таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга самарали таъсир кўрсатиши, шубҳасиздир.

19—20 ноябрь кунлари Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ўтказилган "Умумий ўрта таълим мактабларида табақалаштириб ўқитиш муаммолари" мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманини мазкур масала ечими сари ташланган дастлабки қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Анжуманга йиғилганлар умумий ўрта таълим мактабларида табақалаштириб ўқитиш, бундай таълимни илм масканларида жорий этиш муаммолари юзасидан қизғин баҳс юритдилар. Хусусан, профессор Холбой Ибрагимовнинг "Табақалаштирилган таълимни жорий этиш, ислоҳотлар сифат босқичининг муҳим омили сифатида", педагогика фанлари доктори Раҳим Ҳасановнинг "Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни даражали табақалаштириб ўқитишнинг илмий-назарий асослари", ЎзМУ кафедра мудири, профессор Ботир Қодировнинг "Табақалаштирилган таълимнинг баъзи бир психологик муаммолари", Низомий номидаги ТДПУ докторанти Муҳаббат Салаеванинг "Замонавий таълим тизимида табақалаштирилган таълимга ўтиш масалалари", Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий ходими Юлдуз Амиржонованинг "Табақалаштирилган таълимда педагогик-психологик ташхис масалалари" мавзусидаги чиқишлари зўр қизиқиш билан тингланди.

Маърузага чиққанлар ўз фикрларини АҚШ, Франция, Япония, Россия мамлакатларида бу борада амалга оширилаётган илғор тажрибалар билан таққослаб ўтишди. Ҳар бир чиқишда ўзига хос янгиликлар, йўналишлар ўртага ташланди. Низомий номидаги ТДПУ докторанти Муҳаббат Салаеванинг фикрича, ўқувчиларни иқтидорига кўра табақалаштиришда қуйидаги йўналишларни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир:

"— шахснинг ҳиссиётларини ривожлантириш;

— шахснинг ижодкорлик қобилиятлари, ижодий сифатларини ривожлантириш;

— инсоннинг юксак маданиятини тарбиялаш;

— мактабни асосий маърифат муассасасидан ахлоқий-эстетик маънавият марказига айлантириш.

Қизиқишга кўра табақалаштиришда эса қуйидаги концептуал қоидаларга риоя этиш жоиздир.

1. Фақат юксак инсоний, маданий муҳитда ва мактаб таълимини кенг миқёсда инсонпарварлаштириш асосида дунё бадиий маданияти бойликларини ҳис этиш кўникмаси тарбияланади ҳамда жамиятнинг маънавий ва моддий бойликларини баҳолай олиш ва ундан оқилона фойдалана олиш орқали шахс маънавияти бойиб боради.

2. Педагогик жараён ўрнини аниқлаш. Ҳар бир шахснинг истеъдод нишоналари, қобилият ва лаёқатларини аниқлаш ва ривожлантириш, шахс индивидуал таълимини ташкил этиш.

3. Болаларни қизиқишларига кўра табақалаштиришни таълимнинг асосий мотивацион манбаи сифатида назарда тутиш.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, уни инсоний маданият "кислород"и билан тўйинтириш.

5. Ўқувчи қобилиятининг аниқ психологик ташхисини таъминлаш.

Ушбу қонуниятлар асосида инсоннинг юксак маданиятини шакллантиришга олиб келувчи ўрта таълимнинг маданий-тарбиявий технологияси ишлаб чиқилади ва таъминланади.

Ўқув-тарбиявий жараёнда бола ўз қизиқишига мос асосий инсонпарвар маданият йўналишларини танлаши мумкин. Бу эса табақалаштирилган таълим модели демакдир.

Маданий дифференциация йўналишлари мусиқий маданият, тасвирий санъат, тил маданияти, ахлоқий ватанпарварлик тарбияси, экологик маданият, жисмоний маданият, математик маданият, амалий санъат бўлимларини ўз ичига олади.

Маданийлашган йўналишлар 1-синфдан ташкил қилинади ва бу йўналишларда маълум бир ўқув юртига кириш учун иш олиб борилмайди. Балки унда боланинг махсус қизиқиши жонлантирилади ҳамда ўқишдаги мотивацияси таъминланади".

Йўналишли табақалаштириб ўқитишни ташкил этиш халқ таълимининг долзарб масалаларидан биридир. Жаҳоннинг кўпгина давлатлари қатори бизда ҳам йўналишли табақалаштириш фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактабларида эса табақалаштириш ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Хўш, иқтидорли ўқувчиларни неча ёшдан бир синфга уюштирган маъқул? Бу ҳақда Қибрай туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" Маҳбуба Ғуломова ўз тажрибасига асосланиб қуйидагича фикр билдирди:

— Педагогика ва руҳшуносликнинг ютуқларидан усталик билан фойдаланиб, яратилган шароит ва тарбиячи маҳоратини жамлаган ҳолда баъзи давлатларда боғча ёшиданоқ табақалаштириш ҳоллари учрамоқда. Собиқ Иттифоқ пайтида юқори синф, яъни 8—9-синфлардан фанлар бўйича иқтидор эгалари аниқланиб, махсус синфлар тузиш тавсия этилар эди. Лекин унинг салбий томонларга эга эканлигини иш тажрибамиз исботлади. Машҳур руҳшунос Н.Лейтес "12—13 ёшли болаларнинг ўқишга муносабати асосан беғамлик билан ўзини ортиқча қийнамасдан, дарсларни имкон қадар бажариб, ўзини ўйинга уриш учун турли баҳоналар излашда намоён бўлади. Интизомининг пасайиши эса унинг дарсда ўқитувчи билан муносабати бузилишига олиб келади", деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатан ҳам ўсмирлик даври ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан кескин ўзгара бошлайдиган мураккаб давридир. Билимга бўлган қизиқиш эртароқ, яъни 9—10 ёшдан турли фан тўгараклари, табақалашган синфларда яратилган шароит ёрдамида уйғотилса, бу ижобий натижага олиб келади. Бошланғич синф ўқувчилари одатда ақлий фаолият, хотира, нутқ ва диққатни ўстириш билан боғлиқ ишларни бажону дил бажаришади. Шунинг учун бошланғич синфда диагностик усулда табақалаштиришни ўтказиш жуда қулайдир. Аммо ўз тажрибамда оғзаки нутқи сустроқ бўлган, лекин мантиқий фикрлаш ва математик қобилияти кучли бўлган болаларни кўп учратганман. Уларнинг қобилиятини математик тўгарак машғулотларини компьютер ёрдамида олиб бориш жараёнида таҳлил этганман. Бунда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини балли тизимда баҳолаб, ақлий имкониятлари ва хотирасини назорат қилганман. Ўқувчига 10 та икки хонали сонни доскага ёзиб, бир неча дақиқада эслаб қолиш, ўчирилгач эса эсда қолганини ёздириш орқали кўриш хотирасини, шундай сонларни ўқиганда эшитиб, эслаб қолишни текшириш орқали эшитиш хотирасини, клавиатурани ўзлаштириш тезлиги бўйича техник хотирасини синадим. Ўқув йили якунида эса мантиқий топишмоқли математик тестлар тавсия этдим. Иккита ёндош мактабдаги учта гуруҳ тўгарак иштирокчиларидан 26 нафар ўқувчи 5 та махсус синфга тўпланди. Ҳозирги пайтда бу ўқувчиларнинг билим даражаси нисбатан юқори бўлиб, умумий ўзлаштириш 100 фоизга, сифат кўрсаткичи 92 фоизга тенг.

Шунингдек, анжуманда бундан анча йиллар олдин Юнусобод туманидаги 246-мактабда қўлланилган тажриба таҳлилга тортилди. Гап шундаки, у ерда "аъло", "яхши", "ўрта" ўзлаштирувчи ўқувчилар табақалаштириб синовдан ўтказилган. Кузатувчиларнинг фикрича, тушунчаларни ўрта ва суст ўзлаштирувчи ўқувчилар "яхши" ва "аъло"га ўқийдиганлар гуруҳига ўтишга ҳаракат қилганлар...

Анжуман иштирокчиларининг аксарияти эса ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, қобилиятлари, имконият даражаларини ташхисдан ўтказмай туриб, таълимни табақалаштириш асло мумкин эмас, деган фикрни ёқлаб чиқишди. Чунончи, таълимни табақалаштиришдан асосий мақсад ҳам ўқувчиларнинг индивидуал ривожланишларини таъминлаш ва ДТСда белгиланган билим даражасини ўқувчилар томонидан ўз қобилиятлари ва имкониятларига яраша эгаллаб боришларига тенг имконият яратишдир.

Анжуманнинг ялпи йиғилишидаги баҳс-мунозаралар шўъба йиғилишлари шаклида ҳам давом эттирилди. Мунозара жараёнида иқтидорли ўқувчилар учун махсус синфлар ташкил этиш борасида йўл-йўриқлар йўқлиги, махсус ўқув дастурларини тузиш лозимлиги тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Шўъба йиғилишлари якунида эса таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди, хулосалар чиқарилди.

Йиғилишлар жараёнида бевосита иштирок этиб, қатнашчилар билан мулоқотларда бўлиб, шундай хулосага келдик: табақалаштирилган таълим — бу ўқитишнинг турли хилдаги метод ва шакллари кенг кўламда қўлланилган ҳолда ўқувчиларнинг қобилияти, лаёқати, имкониятлари педагогик-психологик ташхис қилингандан сўнггина йўлга қўйиладиган ўқув-тарбия жараёнидир. Фақат уни илмий ёндашувлар асосида янада бойитиш, сўнгра амалиётчи ўқитувчилар кўмагида изчил равишда умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ қилиш жоиз бўлади. Буни давр ҳам тақозо этаётир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Шерали НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

Суратда: анжумандан лавҳалар.
Бурҳон РИЗО олган суратлар.

Vazirlik Maktabgacha ta'lim boshqarmasiga xususiylashtirish bo'yicha belgilangan tadbirlarning o'z muddatida bajarilishini qat'i nazoratga olish; xususiylashtirilib, faoliyat ko'rsatayotgan maktabgacha ta'lim muassasalar faoliyatini muntazam ravishda o'rnatilgan tartibda o'rganish va tahlil qilish vazifasini yuklatdi.

Hay'at yig'ilishida

ЎҚУВЧИДА ДАРСЛИК БЎЛМАСА...

таълим самарадорлигининг таъминламаслиги, демак, бу ишга ота-онадан тортиб таълим тизимидаги барча раҳбарларгача масъул бўлиши лозимлиги ҳайъат мажлисида таъкидланди

Халқ таълими вазирлигида навбатдан ташқари ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Р.Жўраев бошқариб борди. Йиғилишда иккита масала кўрилди. Биринчи масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги "2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 119-сонли ҳамда 2003 йил 17 апрелдаги "2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги 185-сонли қарорларини бажарилишига қаратилди.

Мазкур масала юзасидан ахборот берган вазирлик мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи С.Зупархўжаева Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим муассасаларини хусусийлаштиришга оид қатор қарорларига биноан, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача таълим муассасаларининг Низоми асосида уларнинг устави ва бизнес-режалари тузиш бўйича методик тавсиянома ишлаб чиқилгани ва амалиётга жорий қилинганини таъкидлади.

Маърузачи ўз сўзида хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув-методика марказида Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг масъул ходимлари билан Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг масъул ходимлари иштирокида бир неча марта давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилгани, нодавлат мактабгача таълим муассасалар тармоғини кенгайтириш мақсадида матбуотда тарғибот ишлари олиб борилаётганлиги хусусида тўхталди. Дарҳақиқат, мактабгача таълим муассасаларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, ушбу масала вазирликнинг 2003 йил 24 июлдаги ҳайъат мажлиси йиғилишида, 2003 йил апрель, июль, сентябрь ойларидаги вазир ҳузуридаги ишлаб чиқариш мажлисларида муҳокама қилинган.

Бунинг натижаси ўлароқ, 2001-2002 йилларда хусусийлаштирилиши режалаштирилган 64 та мактабгача таълим муассасасининг 39 таси хусусийлаштирилган. Жумладан, Андижонда 4 та, Навоийда 7 та, Сурхондарёда 5 та, Хоразмда 6 та, Тошкент шаҳрида 15 та, Самарқанд ва Тошкент вилоятида 1 тадан (режага нисбатан 61%) хусусийлаштирилди. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги "2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги 185-сонли қарорига биноан, 97 та, 2004 йилда эса 91 мактабгача таълим муассасаларини хусусийлаштириш режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу қарорда хусусийлаштирилиши мўлжалланган 188 та мактабгача таълим муассасаларидан Тошкент шаҳрида 10 тадан 5 та, Фарғона вилоятида 19 тадан 4 та, Андижон вилоятида 12 дан 4 таси, Сирдарё вилоятида 49 дан 2 таси, Наманган вилоятида 6 дан 2 таси, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд вилоятида эса биттадан, жами 23 (режага нисбатан 12,2%)таси хусусийлаштирилди. Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари асосида хусусийлаштирилган жами 68 та мактабгача таълим муассасаларининг 19 таси фаолият кўрсатмоқда, 49 таси эса таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Йиғилишда олдиндан кўрилган чора-тадбирларга қарамай, Вазирлар Маҳкамасининг 185-сонли қарорининг ижросини таъминлаш борасида қатор ҳудудларда ишлар қониқарли эмаслиги таъкидланди. Жумладан, хусусийлаштириш режаси Сирдарё вилоятида атиги 4 фоизга, Қорақалпоғистон Республикасида 12, Наманган вилоятида 17, Фарғона вилоятида 21, Андижон вилоятида 33, Тошкент шаҳри 50 фоизга бажарилганлиги, шунингдек, таълим муассасаларининг бинолари ҳозирги ҳолатига қараб баҳоланмаслиги, уларнинг нархлари баландлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалий ёрдамнинг етарли эмаслиги бу ишнинг жадаллаштирилишига салбий таъсир кўрсатаётганлиги айтиб ўтилди.

Шу йилнинг сўнгги ойларида фаолияти ўрганилган Тошкент шаҳридаги 34-, 131-, 218-, 415-, Фарғона вилоятидаги "Нилуфар", "Қалдирғоч", "Олтин балиқча", "Наврўз", "Ниҳол" номли хусусий мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш, кадрларнинг малакасини оширишда муайян муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги 313-, 2001 йил 9 мартдаги 119-, 2002 йил 26 мартдаги 97-, 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида ижро назоратини кучайтириш, раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгиланди ҳамда қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Вазирлик Мактабгача таълим бошқармасига хусусийлаштириш бўйича белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида бажарилишини қатъи назоратга олиш; хусусийлаштирилиб, фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасалар фаолиятини мунтазам равишда ўрнатилган тартибда ўрганиш ва таҳлил қилиш вазифасини юклатди.

Ўз навбатида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказига 2004 йилнинг февраль ойида хусусийлаштирилган мактабгача таълим муассасаларининг ходимлари учун мактабгача таълим тизимида илғор педагогик технологияларни қўллаш бўйича семинар ўтказиш; илғор иш тажрибасига эга бўлган хусусий мактабгача таълим муассасалари фаолиятини оммалаштириш, республика миқёсида ёйиш вазифаси топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига эса хусусийлаштирилиши режалаштирилган мактабгача таълим муассасаларини хусусийлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни Давлат мулк қўмитасининг маҳаллий бўлимлари билан ҳамкорликда белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, хусусийлаштирилиши режалаштирилган ва иш бошлаган хусусий мактабгача таълим муассасалари фаолиятини матбуотда тарғибот қилиш ишлари юклатилди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала Халқ таълими вазирлиги билан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорликда тайёрлаган, 2003-2004 ўқув йилига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларни жойларга етказиш ҳамда сотиш амалиётини такомиллаштириш тўғрисидаги 157/66–сонли қўшма буйруқ ижросига бағишланди.

Бу масала бўйича ахборот берган вазирликнинг дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи М.Турсунова умумтаълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларини жойларга етказиб сотишда китоб савдоси тизимларининг суст-кашлик қилаётганликлари оқибатида баъзи вилоятларда, узоқ туманлар мактабларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда муаммолар юзага келаётганини, фақат ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни тезкор амалга ошириш билангина ушбу муаммони ҳал этиш мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган ушбу буйруқ асосида жойлардан аниқ талаблар олиниб, қисқа муддатларда умумлаштирилгани, жорий йилнинг 11 ноябрь куни ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилиб, ушбу йиғилишда дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси томонидан умумлаштирилган маълумотлар "Ўқув таълим-таъминот" Бош бошқармаси ҳамда нашриётларга тақдим этилгани айтилди. Натижада "Ўқув таълим-таъминот" Бош бошқармаси томонидан шартномалар тайёрланиб, барча нашриётларга етказилган ва шартномалар имзоланган.

Афсуски, жойлардан олинган аниқ талаблар ўрганиб чиқилганда, айрим вилоятлар бу масалага жиддий муносабатда бўлмаётгани маълум бўлмоқда. Масалан: Сирдарё вилоятидан фақат 4 номдаги дарсликларга буюртма берилган бўлса, Фарғона вилояти бўйича таълим тожик тилида олиб бориладиган мактабларнинг ҳар бир синфида 1000-1600 тагача ўқувчи бўлгани ҳолда, ҳаттоки бу йил нашр этилган дарсликларга ҳам буюртма берилмаган (таъминланиш даражаси 83%), таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларга бор-йўғи 26 номдаги дарсликларга буюртма берган.

Бухоро вилояти томонидан таълим қозоқ (ҳар бир синфда 200-300тадан ўқувчи бўлиб, жорий ўқув йилида таъминланиши 87%) ва тожик (100-300 тагача ўқувчи бўлиб, таъминланиши 87%) тилларида олиб бориладиган мактаб дарсликларига 4 ёки 5 тадан буюртма берган, Хоразм вилоятида эса қозоқ (таъминот 74%), туркман (таъминот 81%) тилларида ҳам таълим олиб борилишига қарамай, фақат ўзбек ва рус тилларида 30 номдаги дарсликларга эҳтиёж борлиги билдирилган, холос.

Бундай ҳолатларнинг қайта такрорланмаслиги ва унинг олдини олиш мақсадида ҳайъат мажлисида ушбу масала бўйича ҳам бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, айрим вилоятлар халқ таълими бошқармалари (Сирдарё, Фарғона, Бухоро ва Хоразм) жойларда дарсликларга бўлган аниқ талабни ўрганишда масъулиятсизликка йўл қўйгани кўрсатиб ўтилиб, ушбу вилоятларда дарсликларга бўлган аниқ талаблар қайта ўрганиб чиқиш ва бир ҳафта муддатда дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармасига топшириш вазифаси юклатилди.

"Ўқув таълим-таъминот" Бош бошқармаси эса 2003-2004 ўқув йили учун нашр қилинган ва қолдиқ дарсликлар сифатида нашриётлар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида нашриётлар, вилоятлар билан ҳамкорликда имзоланган уч томонлама шартнома бўйича дарсликларни жойларга етказиб, сотувини ташкил этиш ва дарсликлар сотувидан тушган маблағларни аниқ механизм асосида нашриётлар ҳисоб-рақамларига тушишига масъул қилиб тайинланди.

Ва ниҳоят 2003-2004 ўқув йили учун нашр қилинган ва қолдиқ дарсликлар сифатида нашриётлар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосидаги дарсликларнинг ҳар бир таълим муассасасида сотувини ташкил этилишига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиқлари масъул эканликлари белгилаб қўйилди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ҚИЗҒИН ЖАРАЁН

Бугунги кунда кундалик ҳаётимизни маҳалласиз тасаввур этиш қийин. Турли тадбирлар, тўй-маъракалар бевосита маҳалла фаолларининг маслаҳатисиз ўтмайди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, кўча ободончилиги, янги урф-одатларни тарғиб қилиш, миллий қадриятларимизни қайта тиклаш — барчаси маҳалла фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳозир жойларда ўтказилаётган ўзини-ўзи бошқарадиган органларга сайловлар аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда. Сайловлар фуқароларнинг фаоллигида, ошкоралик ва қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтмоқда.

Жиззах вилоятининг Зомин туманида ҳам бу жараён қизғин паллага кирди. Боғишамол маҳалласи тумандаги катта ҳудудлардан бири. Боғишамол маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли турмуш тарзини ошириш, ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг кўламда иш олиб бормоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинига тажрибали педагог Эргаш Алламуродов раислик қилади. Сайлов йиғилишида ўтган 2,5 йил мобайнида маҳаллада қилинган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Кўпчилик раис ва маслаҳатчиларнинг фаолиятига қониқарли баҳо беришди.

Худди шу жараён Бирлик маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди. Унда маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб Қўзибой Номозов сайланди. Музокарада сўзга чиққанлар келгусида ёшлар тарбиясига кўпроқ эътибор бериш, кўкаламзорлаштириш ишларини кенг кўламда олиб бориш зарурлигини таъкидлашди.

А.СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Mehmonxona

Бугунги меҳмонимиз — таниқли адиб Носир Фозилов асарларини катта-ю кичик китобхонлар бирдай севиб ўқишади. 80-йиллар бошида ёзувчининг икки жилдли "Танланган асарлар"и босмадан чиққан эди. Бунгача китобхонларга ўндан ортиқ тўпламларни туҳфа этган заҳматкаш муаллиф 1985 йили "Шум боланинг набиралари" номли китоби учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ғафур Ғулом номидаги, кейинги йили Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг Б.Майлин номидаги мукофотлари билан тақдирланди. "Устозлар даврасида" асари Республика Давлат мукофотига лойиқ, деб топилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Фозилов кейинги йилларда ҳам баракали ижод қилмоқда. Муаллифнинг "Болалигим — пошшолигим", "Бир отар топпонча" каби китоблари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбек китобхонлари Абай, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов сингари атоқли қозоқ адиблари ижоди билан Носир Фозилов таржималари орқали яхши таниш.

Ёзувчининг мустақиллик йилларидаги ижодий фаолияти эътибор топгани таҳсинга лойиқ. 1999 йили Ўзбекистон Президентининг фармони билан Носир Фозилов "Эл-юрт ҳурмати ордени" билан тақдирланди. Қуйида эътиборингизга мухбиримизнинг таниқли адиб Носир Фозилов билан мулоқотини ҳавола қилаяпмиз.

Носир ФОЗИЛОВ:

ЭСЛАСАНГ, КЎНГЛИНГ ЁРИШАР

— Носир ака, ҳаммамиз ҳам қачондир бола бўлганмиз, болаликнинг пошшолик гаштини сурганмиз. Ижод аҳли, одатда, болалигини кўп эслаб, ёзиб юради, ёши улғайган сайин бу туйғу кучайиб боради. Шу ўринда менинг ёдимга Сергей Есениннинг сатрлари тушди:

... Бола бошдан
деган гап тўғри.
Агарда мен
шоир бўлмасам,
Бўлар эдим
безори, ўғри.

Ёзувчи бўлмаганингизда Сиз ким бўлардингиз?

— Ёшинг улғайган сари хаёлан болалик даврингга бот-бот қайтаркансан. Эҳтимол, бугун келиб турган манзилинг — босиб ўтилган узоқ йўл ўша беғубор болалик бекатидан бошлангани туфайли ҳам шундайдир.

Мен 1929 йили Қозоғистоннинг Чимкент вилояти Туркистон туманининг Кориз қишлоғида туғилганман. Есениннинг сатрини яхши эсладингиз. Халқда: неки бўлса асли наслида бўлган, деган нақл бор. Ота-онамиз деҳқончилик билан тирикчилик қилишган бўлишса-да, адабиётга, айниқса, халқ достонларига жуда меҳри баланд инсонлар эди. Бу бежиз эмас. Чунки улар маърифатли, китобхон оилада тарбия кўришган. Бувамиз Турсунмуҳаммад Аълам Ғурбатий тахаллуси билан шеърлар ёзган, Камий, Хислат, Сидқий Хондайлиқий билан ҳамфикр бўлган. У кишининг Тошкентда учта китоби чоп этилган.

Демоқчиманки, маърифат ҳам, адабиётга меҳр ҳам авлоддан авлодга суяк суриб ўтадиган хислат экан.

— Ўзингиз ўқиган мактабни, дастлаб хат-саводни ўргатган ўқитувчингизни қандай эслайсиз?

— Бизнинг болалик давримиз жуда қийин замонга тўғри келган. Ўша йилларни эсласам, бугунги кенжа авлод — жажжи набираларимизнинг мактабга қадам қўйиши бир байрам тусини олишини кўриб қувонаман.

20-30-йилларда, коллективлаштириш пайти, кўпчилик ҳамқишлоқларимиз қатори бизнинг оиламиз ҳам Сирдарё вилоятига кўчиб бориб, у ердаги Яйилма деган қишлоқда яшашган. Мен дастлаб шу қишлоқда мактабга қатнаганман. Энди, очиғи, буни мактаб дейишга ҳам тилинг бормайди. Чорва молларига хашак жамғариладиган бир оғилда, сомоннинг устида ўтириб ўқирдик. Ана шундай шароитда савод чиқаришга тўғри келган. Менга дастлаб хат-саводни ўргатган биринчи ўқитувчим — амаким Поччахон Қудратов бўлган.



ўқитувчим Робия Иброҳимовани жуда яхши эслайман. У пайтлар телевизор йўқ, радио йўқ, битта-ярим ўзига тўқроқ оилада патифон бўларди. Қишда сандал атрофида ўтириб, чироқнинг ёруғида китоб ўқиймиз. 40-йилларнинг ўрталарида бўлса керак, Абдулла Қаҳҳорнинг "Қанотсиз читтак" деган кичкина, кепак қоғозга босилган китобчаси қўлимга тушди. Кечқурунлари уйдагилар, қўни-қўшниларга овоз чиқариб ўқиб бераман, ҳамма мириқиб эшитади. Энди, у пайтлар одамларнинг замонавий адабиётни тушуниш даражаси ҳам ўзига яраша эди. Хуллас, бир куни уйимизга кўпчилик йиғилди, гурунг қизиди. Хўжалигимизда завхоз бўлиб ишлайдиган бир фирибгарроқ киши бўларди, у ҳам ўша пайтда даврада эди. Бир маҳал менга: "Қани, китобингни ўқиб берчи!" деб қолишди. Мен шариллатиб ўқишга киришиб кетдим. "Қанотсиз читтак"даги олғир, товламачи қаҳрамоннинг қилиқлари бизнинг завхозимизнинг қилиқларига жуда ўхшаб кетарди. Даврадагилар бу китоб шу завхоз ҳақида ёзилган, деб ўйлаб, унга кулимсираб қарай бошлашди. Ҳали ҳикояни ўқиб тугатмасимдан изза бўлган завхоз "Бор-э!" деб уйдан чиқиб кетди, унинг ортидан гулдурос кулги кўтарилди.

Эртаси куни кўчада завхознинг отда келаётганини кўриб қолдим. Менга кўзи тушиши билан: "Қани, бери кел-чи!", деб ўшқирди. Яқинлашиб борганимни биламан қўлидаги қамчи билан орқамга туширириб қолса бўладими: "Мен ҳақимдаги китобни ўқийдиган сенми?!" деб. Орқам қамчи зарбидан жизиллаб кетди, ортимга қарамай қочдим.

Хуллас, китобхонлигимиз шундай "жазоланган" пайтлар ҳам бўлган. Гапнинг сирасини айтсам, болаликда ўқилган керакли китоб кишининг кўзини очади, ақлини тўлдиради, дунёга, одамларга, ҳаётга бошқача — тийрак назар билан қарашга ўргатади.

— Сиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Болалар адабиёти кенгашини бошқарасиз. Бугунги болалар адабиётидаги ўқиш-ўзгаришлар сизни қониқтирадими?

— Бугунги болалар адабиётидаги ютуқларни айтиб, мақтанишга бироз эрта, деб ўйлайман. Бунинг сабаблари бор, албатта. Ўзингизга маълум, бир тузумдан бошқасига ўтганда унинг устқурмаси ўзгаради, ҳаётга қарашлар ўзгаради. Энди "алдагани бола яхши" қабилида асар ёзадиган вақтлар ўтиб кетди. Истиқлолга эришиб, собиқ шўро мафкурасининг тазйиқларидан қутулдик. Мавзулар кўлами кенгайди, эркин ижод муҳитига эга бўлдик.

Шубҳасиз, бизнинг бой маданий, адабий меросимиз ижодкорларимизга доимо илҳом бағишлайди.

Болаларга аталган бадиий асарларни чоп этишда "Етти ўлчаб бир кесиш керак", деган мақолга амал қилсак ёмон бўлмайди. Бугунги кунда моддий имконияти етарли бўлган айрим ҳаваскор қаламкашлар оддий, жўн машқларни ҳам Кейин, Туркистонга қайтиб келганимиздан сўнг, шаҳардаги ўрта мактабга қатнай бошладим.

Уруш йиллари. Халқ ночор аҳволда яшарди. Асосий вақтимиз тирикчилик ташвишида ўтарди, сувчилик қилардим, экин-тикин дегандай. Лекин китоб ўқишга иштиёқ зўр эди. Бу туйғу фақат мен қатори болаларда эмас, катта ёшдагиларда ҳам кучли эди, ўша пайтлар.

— Бир даврада ҳамкасбларимиздан бирининг ҳикоясини тинглаб ўтирган оқсоқол адиб: "Демак, сен болалигингда керакли китобларни ўқибсан", деди. Болаликда керакли китобларни ўқиш — ижодкор бўлиб, умуман, фазилатли инсон бўлиб камол топишнинг мезони, деб ўйлайсизми?

— Шу нарсага амин бўлишимиз керакки, тарбия бобида китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, телевизор ҳам, бошқаси ҳам. Мен учинчи, тўртинчи синфда ўқиб юрган кезлар халқ достонларини шариллатиб ўқирдим. Болалар ўртасида равон, жозибали ўқиш бўйича пойга бўларди... Ҳозир энди ана ўша машқлар адабий малакага эришишимда, умуман, ижод йўлини танлашимда бир туртки бўлганини тушуниб турибман.

Менда адабиётга ҳавас уйғотган китоб ҳолида нашр эттириб, ёзувчилик, шоирлик даъвоси билан юришибди. Фарзандларининг чалаярим қораламаларини нашр эттириб, мукофот талабида юрган қўли узун ота-оналар ҳам йўқ эмас. Тўғри, китоб ёзиш билан бирга, уни чоп эттириш ҳам осон эмас. Ёзувчилар уюшмасида асарини муҳокама қилдиришдан кўра, уни тезроқ нашр эттиришни лозим кўрадиган эпчиллар ҳам бор. Бу умумий адабий жараён савиясига салбий таъсир қилади, китобхон дидини ўтмаслаштиради.

Қолаверса, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун чоп этилаётган дарсликларнинг савиясини кўтариш керак. Мен бу гапни адабиёт дарсликларини назарда тутиб айтаяпман. Янги алифбога ўтганимизга ҳам анча бўлди, бутун бир авлод мактабни лотин алифбосида битираётир. Болалар ёзувчиларининг лотин алифбосида чоп этилганлари озроқ. Бу масала жиддий эътиборни талаб қилади.

— Дарсликлар ҳақида гап очдингиз. Мен болалар учун асар ёзадиган ижодкорлар билан суҳбатлашганда адабиёт дарсликларидан кўпам кўнгиллари тўлмаслигини гапиришади. Шунда, ҳазиллашиб, дарсликка кирмай қолганингиздан хафа бўлиб гапираётганингиз йўқми, деб сўрайман...

— Биз — ёзувчилар, танқидчилар, қолаверса, мактабларда адабиётдан дарс бераётган ўқитувчилар шунақа лоқайд бўлиб кетганмизки, дарсликлардаги нуқсон ва камчиликларга бепарвомиз. Нашриётларда потирлаб чиқаётган айрим "хрестоматия-дарслик"ларнинг савиясини кўриб афсусланасан, холос. Болалар адабиёти бўйича чиқариладиган дарсликларига кимларни киритиш, кимларни чиқариб ташлашни Таълим маркази ходимларининг эмас, тузувчи-ю тўпловчилар хоҳишига боғлиқ бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Дарслик масаласида яна бир эътиборталаб жиҳат шуки, қўлланма дастурга мос бўлиши керак. Аниқ дастур бўйича дарс бераётган ўқитувчи қўлида шунга мос дарслик бўлиши зарур. Қолаверса, бир фан бўйича бир неча вариант дарслик тақдим қилиш ёки ҳар йили дарсликларга ўзгартириш киритиб, янгидан чоп этавериш ҳам кутилган натижани бермайди. Бунинг иқтисодий томонини ҳам ўйлаш керак.

Яна бир гап. Агар ўқувчи дарслик-мажмуадаги йирик асарлардан олиб берилган парчаларни ўқиш билан қаноатланиб қолса, бундай ўқувчининг адабиётдан саводи узоққа бормайди. Дарсликка парчаси киритилган асарларни параллел тарзда нашр этиб, ўқувчи қўлига етказилгандагина кутилган натижага эришишдан умид қилса бўлади. Ўзингиз ўйланг, мактабни битираётган ўқувчи нуқул мажмуадаги парчаларни ўқиб, адабиёт ҳақида қандай билимга эга бўла олади? Демак, адабиёт дарсликлари билан бадиий адабиёт нашрини ҳам қандайдир мувофиқлаштириб олиб бориш керак экан.

— Носир ака, ҳозир қандай янги асарлар устида ишлаяпсиз?

— Улуғ адибларимизни хотирлаб, "Эсласанг, кўнглинг ёришур" деган бир хотиралар китобини ёзиб битирдим. Насиб этса, "Маънавият" нашриётида чиқиб қолар. Таржимани ҳам канда қилганим йўқ. Қозоқ ёзувчиларидан Эрсин Қўйбоқаровнинг, Собит Дўсановнинг қиссаларини, Дўлат Исабековнинг "Бир ҳайкал можароси" комедиясини таржима қилдим.

— "Маърифат" муштарийларига қандай тилакларингиз бор?

— Дунёда ўзгармас ҳақиқатлар бор. Ўзбекнинг Муаллим, Устоз деганида ҳам шундай ҳақиқат мужассам. Ёшинг бир жойга борганда ҳам, бир пайтлар сенга ҳарф ўргатган — кўзингни очган ўқитувчинг улуғ бир сиймодай хотирангдан ўчмас экан. Ҳозир сиз билан суҳбатлашиб ўтириб, мен ҳам ўзимни ўқитган муаллимларимни эсладим.

Биласизми, уларни эсласам кўнглим ёришиб кетади! Зиё тарқатган инсоннинг иши қутлуғ, шу боис улар хотири доим қалбингни нурлантириб туради. Ана шундай қутлуғ касбда сабр-бардош билан меҳнат қилишаётган муаллимларга бахт-саодат тилайман.

Аҳмад ОТАБОЕВ суҳбатлашди.

Bolalar diliga yaratish va yashnatish zavqini sololgan insonning bugungi faoliyatini, maqsadu intilishlarini ko'rib oddiylik zamiridagi fidoyilik degim keldi.

Sog'lom avlod uchun

БОҒЧА ҲАМШИРАСИ

унинг вазифалари нималардан иборат?

Мактабгача таълим муассасаси... Бу улуғ ва муқаддас маскан. Худди шу масканда миллатнинг эртаси, халқнинг келажаги куртак ёзади. Ана шу ниҳолларнинг соғлом, бақувват ва ақлан етук бўлиб улғайишларида мазкур гўшада фаолият кўрсатувчи тарбиячилар билан бир қаторда ҳамширалар ҳам болалар тарбияси учун масъул вазифада турувчи ходимлар билан баробар жавобгар ҳисобланади.

Боғча ҳамшираси... Бу сўзни эшитганимизда кўз ўнгимизда меҳрибон бир сиймо жонланиши, табиий. Ҳамширанинг мактабгача таълим муассасасида амалга ошириши лозим бўлган бир қатор вазифаларини ташқаридан қараган киши қандай бажариб улгуришига ҳайратда қолиши аниқ.

Ҳамшира боғчада даволаш-соғломлаштириш, чиниқтириш ишларини ташкил этиши ва назорат қилиши, жамоа орасида санитария қоидаларини бажарилишини кузатиши, тиббий эмлаш муолажаларини ўз вақтида ўтказилишини таъминланишига масъул. Яна эрталабки кўрикни сифатли ўтишини ташкил этиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ишларни ташкил этиш, ота-оналар ва жамоа орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарурий ҳолларда болалар ва боғча ходимларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, болаларнинг овқатланишларини меъёр асосида бўлишини назорат қилиш ҳам ҳамшира гарданига юкланади. Боғчага келтирилаётган озиқ-овқат ва мева ҳамда сабзавот маҳсулотларининг сифати ва сарфланишини назорат қилиши каби яна турфа хил амалларни бажариши керакки, бу ғоятда масъулиятли юмушлар ҳамширадан ўта билимдонлик ва ҳушёрликни, чидам, сабот ҳамда энг муҳими, болалар ва ўз касбига чексиз меҳрни талаб қилади.

Шундай масъулиятли амалларнинг зил-замбил юки остида фаолият юритаётган ҳамширанинг бугунги аҳволи қандай? Унинг кўнглидан нималар кечмоқда? Ташвиши, ўйлари ҳамда келажакдаги режалари қандай?

Биз боғча ҳамшираларининг бугунги фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Андижон вилоятининг Пахтаобод ва Жалақудуқ туманларидаги бир нечта болалар боғчаларида бўлдик.

Ҳозирги пайтда Пахтаобод туманида 28 та, Жалақудуқ туманида эса 42 та мактабгача таълим муассасаси ишлаб турибди. Табиийки, мазкур боғчаларнинг ҳаммасида ҳамширалар фаолият кўрсатиб, ёш авлод тарбиясига ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Пахтаобод туманидаги 2-боғча ҳамшираси Асалхон Аҳмедова, 10-боғча ҳамшираси Руқияхон Мирзаева, 18-боғча ҳамшираси Ҳимоятхон Абдураҳмонова, 24-боғча ҳамшираси Одинахон Ёқубовалар, Жалақудуқ туманидаги 1-боғча ҳамшираси Дилшода Бекназарова, 11-боғча ҳамшираси Махфиратхон Имомназарова, 23-боғча ҳамшираси Арофатхон Обидовалар фаолиятини кузатганимизда, бу ҳамширларнинг нечоғли изланиб ишлаётганликларини, замон билан ҳамнафас тарзда зиммаларидаги масъулиятларини адо этаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Пахтаобод туманидаги мактабгача таълим муассасалари кейинги йилларда вилоят ва республика даражасидаги кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Хусусан, 2001 йилда туманда боғча ҳамширларининг касб маҳоратларини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Йилнинг энг яхши боғча ҳамшираси» кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур танловда 13-боғча ҳамшираси Матлубахон Талашбоева 1-ўринни, 18-боғча ҳамшираси Ҳимоятхон Абдураҳмонова 2-ўринни, 15-боғча ҳамшираси Инобатхон Исоқова 3-ўринни эгаллашди.

Илғор ҳамширалар иш тажрибаларини ўрганиш, ҳамширларга услубий кўмак бериш борасида ҳам амалга оширилаётган ишларни ибратли дейиш мумкин. 7, 13, 15, 18-боғчалар ҳамширларининг иш тажрибалари юзасидан семинарлар ташкил этилди. Жалақудуқ туманидаги 11-боғча ҳамшираси Махфиратхон Имомназарованинг туман ҳамширалари орасида ўз ўрни бор. У боғчада болалар соғлигини доимий назорат қилиш билан бирга болалар ўртасида «Покиза момо ва Сариштa буви ўгитлари», «Жозибадор тассум» мавзуларида театрлаштирилган саҳна кўринишларини тарбиячилар билан ҳамкорликда тайёрлаб тарбияланувчиларга шахсий гигиенага оид кўникма малакаларини сингдиришга ҳисса қўшмоқда. Унинг ота-оналар учун «Маслагим донишмандлик» деб номланган ўзгарувчан кўргазмаси болаларни турли касалликлардан халос этиш ва уларнинг олдини олиш борасида янгилик ва маслаҳатлар билан таништириб боради. Бундан ташқари, муассасада ҳамшира саломатлик мониторингини ҳар йилда икки марта янгилаб, охирги кўрсаткичлар бўйича ота-оналарни таништириб боради. Бу кўрсаткичлар, албатта, яхши. Хўш, ҳамширларни бугун қандай муаммолар қийнаяпти?

— Дори-дармонларнинг етишмаётганлиги баъзан ҳамширалар меҳнатини, ҳаракатларини бесамар кетишига сабаб бўлади, — дейди Пахтаобод тумани халқ таълими бўлими мактабгача тарбия бўлими услубчиси вазифасини бажарувчи Ҳикматхон Йўлдошева. — Бу муаммони имкон қадар боғчалар жамоалари ўз кучи билан бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар. Дарҳақиқат, бу муаммо ҳар иккала туман боғчаларида ҳам мавжуд. Дори-дармонлар учун етарли даражада маблағ ажратилмаяпти. Пахтаобод тумани боғчалари учун 2003 йилда дори-дармонлар учун 179 минг сўм маблағ ажратилган. Мазкур маблағ эса дезинфекция воситалари учун сарфланган. Пахтаобод туманидаги 3, 4, 10, 19, Жалақудуқ туманидаги 1, 11, 39-боғчалар ва 6-боғча-мактаблар сармоядан ташқари ишлаб топилаётган, ҳам ҳомийлик маблағларидан самарали фойдаланиб, етишмаётган дори-дармонлар ўрнини тўлдириб бормоқдалар. Ҳар иккала тумандаги боғча ҳамширларининг ёши таҳлил қилинганида, уларнинг ўртача ёши 35-40 атрофида эканлиги маълум бўлди. Бу эса ҳамширалик ишига ёшларнинг у даражада қизиқмаётганлигини, ёшларни бу даргоҳларга кўпроқ жалб этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга ҳамширларнинг касб малакаларини ошириб боришлари, тоифа-малакаларини аниқлаш бўйича аттестациядан ўтказишда халқ таълими бўлимлари ва соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорликда мезонлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Ҳамшира фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш учун танловлар ўтказиш, ҳамширларнинг болалар соғлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича фикр-мулоҳазаларини баён қилиш учун ҳудудий ёки марказий матбуотда «Ҳамшира фикри» рукни остида материаллар берилишига имконият яратиш керак. Илғор, фидойи ҳамширларни рағбатлантириш, уларни турли мукофотларга тавсия этиш борасида ҳам халқ таълими бўлимлари яна бир ўйланиб кўрсалар, фойдадан холи бўлмас эди.

Мактабгача тарбия муассасаси ҳамшираси ва уни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга бўлган эътибор қай даражада юқори бўлса, унинг ўз вазифасига бўлган масъулияти шу қадар ортиши аниқ. Бу эса халқнинг, миллатнинг ўз келажагига бўлган юксак эътиборидир.

О.СИДДИҚОВ,
«Маърифат» мухбири

Ҳар бир ўқувчи ўзгача дунё. Уларнинг қалбига йўл топиш осон юмуш эмас. Бу ҳақиқатни Юнусобод туманидаги 17-мактаб инглиз тили фани муаллимаси Гулнора Зайниддинова яхши англаган ҳолда ўғил-қизлар билан якка тартибда иш олиб боради. Шу билан бирга у кундалик машғулотларни кўргазмали ўқув қуроллари, янги услублар асосида ўтиб, юқори натижаларга эришаётир. Чунончи, илғор муаллиманинг ўқувчилари инглиз тили фани бўйича ўтказилаётган баҳсларда совринли ўринларни эгаллашаяпти.

Суратда: изланувчан ўқитувчи Гулнора Зайниддинова навбатдаги дарсда.

В.ГРАНКИН олган сурат

"ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА КУТУБХОНА"

ШУ МАВЗУДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ХУЛОСАЛАРИ ВА ТАВСИЯЛАРИ

Конференция таълим тизими ахборот таъминотининг ҳозирги аҳволини, унинг ахборот-кутубхона манбаларини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги тажрибасини, мактаб кутубхоналарини такомиллаштириш ҳамда уларнинг фаолиятига интернет ва ахборот технологияларини жорий этиш масалаларини таҳлил қилди.

Конференция қатнашчилари жамиятда ахборот алмашинуви тезлашуви ва таълимнинг замонавийлашуви билан маданият ва таълим тараққиётида мактаб кутубхоналарининг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини қайд этишди. Кутубхона ўқув жараёнига кўмакчи муассаса бўлиш билан бирга мактабнинг ахборот-китоб таъминоти марказига, яъни шахснинг ахборот маданиятини шакллантириш манбаига айланиши керак. Бунда мактаб кутубхоналарини компьютерлаштириш, электрон манбаларни яратиш йўли билан таълим тизимини ахборотлаштириш, шунингдек, ахборот-кутубхона тармоқларини яратиш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш долзарб аҳамиятга эга.

1. Конференция қўйидагиларни таъкидлайди:

1.1. Республика мактабларидаги кутубхоналарда олиб борилаётган ишларга қарамай, ахборот технологияларини жорий этиш сезиларли равишда ортда қолмоқда, жаҳон ахборот манбаларига, жумладан, интернет тизимларига тезкор чиқиш етарли даражада ривожланмаган.

1.2. Мактаб кутубхонаси ходимлари мактаб кутубхоналарининг манбалар маркази концепцияси билан етарли даражада таниш эмас;

1.3. Педагогик кутубхоналар ходимлари компьютер ва янги ахборот технологиялари билан ишлаш малакасига эга эмаслиги муаммоси мавжуд.

1.4. Кутубхоналар фаолиятининг қонуний асоси такомиллаштиришга, жумладан, янги ахборот технологиялари, халқаро кутубхона стандартларини жорий этишни меъёрлаштиришга муҳтождир.

1.5. Мактаб кутубхона жамғармаларини тўлдириш борасида ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Янги ўзбек алифбосидаги, маълумот йўсинидаги, шунингдек, болалар учун нашр этилаётган адабиётлар етишмайди.

1.6. Мактаб кутубхоналарини бошқаришнинг ривожланган тизимига эга хорижий давлатлар билан боғловчи кутубхона алоқа воситаларини, кутубхона ишида янги ахборот технологияларини ўқитиш бўйича ўқув марказларини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, халқаро ахборот алмашувини йўлга қўйиш борасидаги ҳаракатларни бирлаштириш зарурияти юзага келди.

2. Конференция қуйидагиларни мактаб кутубхоналарини ривожлантириш ҳамда халқ таълимининг барча соҳасини қамраб олувчи ягона ахборот маконини яратишнинг устувор жиҳатлари деб ҳисоблайди:

2.1. Мактаб кутубхоналарининг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш.

2.2. Кутубхоналарни бошқаришнинг замонавий усулларини, маркетинг ва менежментни, жумладан, янги ахборот технологияларини қўллаш ва пулли ахборот хизмати кўрсатишни жорий этиш.

2.3. Янги ахборот технологияларини, кутубхонани бошқаришнинг янги усулларини қўллаш, таълимий ва ахборот манбаларига кириш йўлларини кенгайтириш билан республика мактаб кутубхоналари фаолиятини ислоҳ қилиш ва рағбатлантириш.

2.4. Мактаб ўқув жараёнини илмий-услубий қўллаб-қувватлашни таъминловчи, ўқувчи ва педагогларга мукаммал ахборот хизмати кўрсатувчи ахборот марказларини яратиш.

2.5. Мактаб кутубхоналарининг ташқи ахборот манбаларига эркин чиқишини таъминлаш ва уларнинг мундарижасини шакллантириш борасидаги фаолиятини жонлантириш.

2.6. Республика педагогик кутубхоналари ахборот тузилмасини ва унинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига мувофиқлашуви йўлларини шакллантириш. Хорижий мамлакатларнинг илғор кутубхоналари билан ҳамкорлик қилиш.

3. Конференция қуйидагиларни тавсия қилади:

3.1. Мактаб кутубхоналарини давлат таълим стандартларига жавоб берувчи ҳамда мактаб кутубхоналари билан ўқитишнинг янги усуллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминловчи китоб ва воситалар билан жиҳозлаш йўлларини такомиллаштириш зарур.

3.2. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларидаги мактаб кутубхоналари ўртасида ахборот манбаларини алмашишни мувофиқлаштириш ва бу масалалар бўйича халқаро консорциумни тузиш лозим.

3.3. Мактаб кутубхоналари фаолиятини тартибга солиш учун кутубхонанинг ўқув-тарбия жараёнидаги аҳамиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш лозим ва уларда қуйидаги қоидалар акс этиши керак:

- мактаб кутубхонасига мактабнинг ахборот маркази мақоми берилиши ва унда барча ахборот манбалари жамланиши;
- мактаб кутубхоначисига "кутубхоначи-педагог" мақоми берилиши. "Кутубхоначи-педагог" ва "таълим муассасаси кутубхоначиси" лавозимларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- бошланғич ва ўрта мактаблар ўқувчиларининг ахборот саводхонлиги стандартларини, шунингдек, ўқувчиларнинг мазкур соҳадаги билим, кўникма ва малакасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- мактаб ўқув режасига ахборот саводхонлигини шакллантириш бўйича машғулотларни киритиш;
- таълим муассасалари кутубхоначиларини аттестациядан ўтказиш бўйича меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш;
- таълим муассасалари кутубхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни ҳужжат асосида таъминлаш. Кутубхоналарни стандарт талабларга мос хоналар билан таъминлаш, уларни замонавий даражада жиҳозлаш;
- мактаб кутубхоначиларининг узлуксиз таълим тизими ҳаракатини таъминлаш орқали, бу мутахассисларга ўқитишнинг барча шакллари, жумладан, экстернат ва масофадан туриб ўқитиш асосида махсус тайёрланиш ва қайта тайёрланиш имконини яратиш;
- мактаб кутубхоналари фаолиятининг барча йўналишларини илмий, ахборот ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимларининг изчиллигини таъминлаш.

Республика илмий-педагогика кутубхонаси

БАЙРОҒИМИЗ — ФАХРИМИЗ

"Кўкалдош" Тошкент ўрта махсус билим юртида "Байроғимиз — фахримиз" мавзуида тадбир ўтказилди.

Унда билим юрти мудирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Абдухолиқ Жўраев маруза қилди. Тарихдан маълумки, ҳар бир давлатнинг қудрати ва мавқеи унинг байроғи ҳисобланади. Одамлар давлат тимсоллари учун ҳатто ўз жонларини ҳам фидо этганлар. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар бўлган. Тарихга назар ташласак, Нажмиддин Кубро жасорати бунга ёрқин мисолдир. У зот ўлими олдидан мўғул яловбардоридан байроқни тортиб олиб, ерга қулайди. Ёвга нисбатан нафрати шу қадар кучли эдики, мўғуллар кейинчалик шайхнинг жонсиз қўлидан байроғини тортиб ололмаган ва унинг панжаларини кесиб, байроқни ажратиб олишган. Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги бу жасорат — мана қарийб саккиз юз йилдирки барча авлодларга зўр ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуни моҳияти талабаларга тушунтирилиб, унинг муҳим моддалари шарҳланди.

Ватанпарварман деган ҳар бир инсон, энг аввало, бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларимизни билиши, ҳурмат қилиши шарт.

Тадбирда талабаларнинг сиёсий онгини ўстириш, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришда давлатимиз рамзлари аҳамияти беқиёслиги баён қилинди.

Зафаржон ТУРСУНОВ,
билим юрти ўқитувчиси



Гулистон шаҳридаги «Қувонч» боғча-мактаб мажмуасида ҳар бир тарбияланувчи болажонлар саломатлигига катта эътибор берилади. Шунингдек, мажмуада уқалаш-даволаш, фитобар хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Суратларда: боғча тарбиячиси Равшаной Бозорбоева умумий уқалаш-даволаш хонасида болажонлар билан.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Elni tark etmagaymiz,
Mamlakatni avaylab,
Dushmandan qudratli qo'l,
Asragan kabi barin.

Barcha devni mahv etib,
Kazzoblar barin qirib,
Qasamxo'r dodin berib,
Mitra uchib o'tadi.

Muhtaram o'qituvchilar! Siz gazetamizning o'tgan sonlarida "Qadimgi adabiy yodgorliklar" mavzusi bo'yicha umumiy ma'lumot bilan tanishdingiz. Endi qadimgi yodgorliklarning dastlabkisi bo'lgan «Avesto» asaridan parcha e'tiboringizga havola etiladi.

Dastur bo'yicha berilgan keyingi mavzular (Yusuf Xos Hojib – «Hikmatlar», Ahmad Yugnakiy — «Hibat ul-Haqoyiq», Rabg'uziy — «Qissai Rabg'uziy»)ining faqat tahlili beriladi. Mazkur asarlarning matnini N.Komilov va B.Tuxlievlarning 9-sinf umumta'lim maktablari uchun chop etilgan «O'zbek adabiyoti» majmuasining 1993, 1995, 1997, 1999 yil nashrlaridan olib foydalanishingiz mumkin.

AVESTO

Mehr yasht.
Mitra alqovi

Mitraga topunurmiz,
Otlari serg'ayratga,
Keng tuyoqdor otliga,
Qonxo'r yov tomon yelgan,
Zich saflarni yorguvchi,
Yog'iy yurt yovlarining
Mitra yelib borgan chog',
Qonxo'r yov safi tomon,
So'qishgan mamlakatlar
Lashkarlari oralab.
So'zga xoin odamlar
Qo'lin ortidan tutar.
Ko'zlarin ko'rmas qilar,
Quloqlarin etar kar.
Oyoqlarin shol etar,
Kuchin qirqib zarbasin
So'zni buzgan yovlarning
Va el–yurt mamlakatning
Jazosin shunday berar
Yaylovi cheksiz Mitra.
Baxt uchundir namozim,
Baxt uchun ibodatim.
Mitraga topingaymiz...
Makonini Axur Mazda
Yaratganga topinchim,
Hara tog'in ustida
Yon bag'irlari son ming.
Porloq nurafshon yerda
Qorong'usi, tuni yo'q,
Sovug'u, jazirasi
O'lim keltirgich dardi.
Devlardan tushgan la'nat,
Zulmat kotarilolmas
Xarati cho'qqisiga.
Abadiy avliyolar
Unda makon tuzdilar.
Bashorat va imon-la
Buyuk quyosh bilan teng.
Bu makonni yuksakdan
Va borliq, bu dunyoni
Mitra ko'rib turgichdir.
Yovuzlik ychun Qabih
Indan chiqqan chog'dayoq,
Uchqur arobasiga
Otlarin qo'shar Mitra,
Yaylovlari keng xudo
Qudratli Sraosha bilan
Hikmatli Narya Sanha
Yordami bilan Mitra
Yolg'onchini o'ldirar,
Garchi u saf-saf bo'lsin
Va yoki yakka tursin.
Baxt uchundir namozim.
Mitraga topinurmiz...
Mitraga topinurmiz...
Xurmuzg'a yaling'uvchi
Dast ko'tarib qo'llarin
Holiqqa topinguvchi
Shunday o'tinchni so'zlab
Barcha hilqat panohi
Men Mitra savobkorman.
Asraguvchi borliqni
Men Mitra savobdorman.
Lekin meni duo-la
Nomimni takrorlabon,
Odamlar e'zoz etsa,
Boshqa xudolar nomin
Takrorlab duolarda
Namoz o'qigan kabi.
Meni ham e'zozlashsa,
Yod etib namozlarda,
Duolarda nomimni
Boshqa xudolar nomin
Namozda aytgan kabi
duolarda,
Men tushib kelur edim
Odamlarga Haq bo'lib,
O'lmas umrim bo'lagin
Baxsh etardim ularga.
Noming takrorlaguvchi
Namozla yot etarlar,
Taqvodorlar baralla
Hayru ehson eltarlar.
Nomingni ataguvchi,
Namozla sajda qilgum,
Qudratli Mitra senga,
Hayru-ehsonlar qilgum.
Nomingni yot etguvchi...
Sajdamga quloq solgil...
Sajdamga quloq solgil,
Xush qabul qilgil Mitra,
Iltijom qabul ayla.
Ehsonimga yaqinlash,
Qurbonliklar keltirdim,
Qabul et osh bo'lsin ul
Olg'il Sharaf uyig'a.
Baxt uchun namozimdur,
Baxt uhcun ibodatim.
Mitraga topinurmiz,
Ul sharafga loyiqqa
Ajib hurmat sazoga.
Xohlaganda shafqatli,
Obodu farag'atli
Yuz ming tuman ko'zli ul,
Qudratli va bilgichga,
Aldovlarga uchmasga.
Baxt uchundir namozim.
Mitraga topinurmiz,
Tik qomat va uyg'oqqa,
O'tkir ko'z shijoatkor-
Duoni tinglagichga.
Suvni yo'naltirguvchi,
O't-o'lan o'stirgichga
Yerni shudgor qilguvchi
Pur hunar ul oqilga,
Yolg'onlarga bo'y bermas,
Yaralgan xilqatiyga.
So'z ustidan chiqmaslar
Undan madad ololmas
Yolg'onchi baxtdan mahrum
Savoblardan bebahra
G'azabga kirganing chog'
Ular qo'li shol bo'lur
Oyoqlarda tik turmas,
Ikki ko'zdan nur ketib,
Quloqlari kar bo'lur/
Qul bo'lsin ibodatim.

Mitraga topinurmiz,
O'sha qalbida imon,
Go'zallik-la yo'g'rilgan
Zotgadir namozimiz.
Unga kim topinsa gar,
Topgay ulug' bir suyanch,
Inson baxtini o'ylab,
U eltar din urug'in
Yetti iqlim yer bo'ylab.
Uchqurlar aro uchqur,
Ezgular ichra ezgu,
Jasurlar ichra jasur,
Shijoatkordan epchil.
Gullatguvchi barchani,
Ma'mur etguvchi elni
Podalar etib ato,
O'g'illar ko'paytguvchi,
Muqaddas hayot bergich
Va haqqoniy hokimlik
[Berguvchi taqvodorga].
U bilan Ashi hampoh,
U bilan Arta hamroh,
Ul muqaddas, ul boylik,
Tez yurar arobada.
Erlar jo'mardligi ham,
Kaviylar Hvarnosi.
Shohona qattiqo'llik
Muzaffarlik xudosi
Taqvodorlarning ruhi-
Barchasi uning bilan
U bilan kim birodar
Bo'lar bari taqvodor
Baxt uchundir namozim
Baxt uchun ibodatim
Mitraga topinurmiz..
G'ildiraklari baland
Osmoniy arobani
Boshqarar Kunchiqardan
Parvoz etib purviqor
Yorqin Xvaniratadek
Ko'rkam iqlim ustidan
Mazda bergan baxt hamroh
Muzaffarlik yo'ldoshi
U bilan birga O'ktam
Ashi aroba haydar
Mazdaga iymonli din
Yo'llarin forig' etar
Osmoniy arg'umoqlar
Yarqiroq va porloqlar
Nurafshonu oppoqlar
Tanin soyasi yo'qlar
Arobani eltarlar
Samo kengliklarida
Zafar ma'budi eca
Yo'llagay olislarga
Solib qo'rquv va dahshat
Barcha dev, iblislar-u
Gunohkor riyokorga
«Illo duch kelmaylik biz
Egamning g'azabiga
Yovga ming zarb berguvchi
Mitraning nafratiga
Adadsiz ko'zlari bor
Qudratli va bilgich u
Yolg'onni yo'q qilgich u»
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz
Oldida bahr uchar
Ahuraning hilqati
G'azabkor qobon misol
O'tkir tishli serjahl
Sanchilsa o'ldirguvchi
Qoziq tishlari keskir
Qutirib hech yo'latmas
Jahldor yuzi ola
Oyoqlari temirdan-
Oldi ham orqasi ham
Tomirlari ham temirdan
Quyrug'i ham temirdan
Jag'lari ham temirdan
Hujum qilaroq jadal
O'qdek otilar yovga
Matonatla yiqar u
Yog'iyning yorib ko'ksin
Dushman umurtqasini,
Hayotin tirgagini
Majaqlab buzmaguncha,
Yovni o'ldirdim, deya.
Taskin topmaydi ko'ngli,
Dushman umurtqasining
Mag'zini uzmaguncha
Hayotining tirgagin,
Majaqlab buzmaguncha.
Hamlada etar yakson
Teri, tuk suyaklarin
Qonu miyasi birla
Qorishar, kim riyokor

Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
Shodlikni kanda qilmay,
Qo'lin ko'kka ko'tarib,
Xurmuzd parvardigorga
Yolvorib, deydi shunday:
«O muqqadas Ruh, xoliq»,
Ezgu borliq yaratgan!
Meni ham e'zozlashsa ...
Makonni asragaymiz,
Tark etmay uni aslo!
Honadonni asraymiz,
Urug'ni asragaymiz,
Elni tark etmagaymiz,
Mamlakatni avaylab,
Dushmandan qudratli qo'l,
Asragan kabi barin.
Yovlar aro yovlikni
Sen parchalarsan Mitra!
Qiron sol ezgulikning.
Qotiliga, o Mitra,
O, otlari xush atvor,
Arobasi purviqor.
Kim yordamga chorlasa,
Doim yordamga tayyor.
Sendan so'rayman madad,
Kelgin bizga yordamga.
Ehsonlardan bo'l mamnun,
Hayru qurbon mo'lu ko'l.
Yo'lingga bag'ishladik,
Himoyangda turmoqchun,
Uzoq umrlar ko'rib,
Makoningda yurmoqchun.
Qo'riqlaysan yurtlarni.
Topinsa gar Mitraga
Yaylovlari cheksizga,
Qaqshatarsan ellarin.
Mitraga buysunmasning,
Seni madadga chorlab,
Deyman, kelsin ko'makka.
Qudratli va Omilkor,
Maqtovlarga loyiq zot,
Sharafga loyiq Mitra,
Mulkda Buyuk hukmdor.
Baxt uchun namozimiz...
Mitraga topinurmiz ...
Makon ato etar ul,
Rashnudan so'ngra inom-
Avlodlarga abadlik.
Makonni asraguvchi,
Rostgo'ylar himoyati,
Sen jamoa homiysi,
Rostgo'ylar tayanchisan,
Ato etarsan solih.
Farzandlar. Va g'oliblik,
Ahuradan paydodir.
Mahshar kuni so'roqda,
Xarobdir riyorkorlar,
To'p-to'p bo'lib yotarlar.
Baxt uchun namozimiz...
Mitraga topinurmiz,
Makon ato etar ul.
So'ngra Rashnudan in'om-
Abadlik avlodlarga.
Ming hunar ato etdi.
Unga Ahura Mazda,
Yuz ming tuman ko'zli zot,
Shu ko'zlar bilan Mitra,
Shu ilmu hunar birla.
Yolg'onchini kuzatar,
Jazolar burdi yo'qni,
Ko'zlar sharofatila,
Hunarlar hikmatila.
Aldovlardan xalos ul ,
Qudratli xudo Mitra.
Yuz ming tuman ko'zli zot,
A'lam va kuchli ma'bud,
Hech aldanmas ulug' zot.
Baxt uchun namozimiz...
Mitraga topinurmiz...
Qo'lin cho'zib ko'klarga,
Yurt hokimi yolborar,
Yordamga uni chorlar.
Ko'kka cho'zib qo'llarin,
Qabila dohiylari,
Madad iltijo aylar.
Ko'kka cho'zib qo'llarin
Urug'boshi yolborar,
Madadga chorlar uni,
Unga cho'zib qo'llarin.
Uy sohibi umidvor,
Axur Mazd sha'nin kuylar,
Muqaddas o'lmaslarni
(Sharaflab namoz yo'llar).
Ovozi ko'kka o'rlab,
Ko'kda yalinga mingash,
Yer yuzini sayr aylaydi,
Yetti iqlim yangraydi.
Ul avvalin kohindir,
Yulduz bezakli Xaomani –
Xudoning ne'matini,
Yuksak Xaratiga eltgan.
Axur Mazd panoh bergan,
O'lmas avliyolardek,
Ko'rkam yuz, qiyofalik,
Hatto otlari uchqur,
Quyosh ham unga boqib,
Hurmat izhorin etgan.
Mitraga topinaylik,
Yaylovi keng ul zotga,
Ming quloqlikka topinch,
Ming tuman ko'zli zotga!
Namozu sharaflarga,
Loyiq bo'la ber doim,
Erlar uyida, Mitra!
Senga ahdi bor erni
Savobga dohil qilgil.
Olsin o'tin va barsman
Xavoncha, sut va dasta
Pok yuvilgan qo'l ila,
O'g'iru dasta tutsin,
Barsmanni yoyib yanchsin,
Pishirsin xaomani,
Kuylab «Axuna-Var'ya»
(Oyatini Baralla).
Bu dinni qildi ma'qul
Yaratguvchi Axur Mazd,
Muqaddas o'y amri-la,
Yoni tuban yiqquvchi.
Sariq ma'dandan quyib,
Oltin suvda sug'organ
Qudratli ul quroldir,
Quroldir ul muzaffar.
Dahshatla undan titrar,
Ul kasofat Axriman.
Dahshatga tushar undan
La'nati g'azablar ham.
Dahshat qo'rqinchla titrar
Ilki uzun tanballik.
Daxshatla titrab qaqshar,
Barcha jin, barcha Devlar
Va osiy qasamxo'rlar.
«Rahmatidan benasib
Qilmasin bizni Mitra,
Zarbi bizga yetmasin
Qudrati cheksiz Mitra,
Yaylovlari poyonsiz!
Bizni asra, panoh ber,
Zarbangdan xoli qilg'il,
Ey, yaylovi poyonsiz!»
(Bu namoz yetishganda)
Ma'budlarning kuchligi,
Eng jasuri ularning,
Eng tirpgi ularning,
Eng g'olibi, zafarvor
Bo'lur Yerga nozil u —
Mitra, cheksiz yaylovdor.
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
Oldida devlar qo'rqib,
Qazzoblar titraguvchi
(Ma'budga topinurmiz...).
Uchar ko'k bo'ylab Mitra—
Mamlakatlar egasi.
Yaylovlari cheksiz zot
Agar qarab turmasa.
Lek mening dilimdan
Shunday kechadi:
«Jonzot yo'qki dunyoda
Mitra ezgu fikridan
Kuchli fikr bor desa,
Jonzotki yo'q dunyoda
Mitra ezgu ishimdan
Kuchliroq ish amali
Bor, deya ayta olsa».
Jonzot yo'qki dunyoda
Ilohiy. Mitra kabi,
Tafakkuri cho'ng bo'lsa,
Aqli bo'lsa o'tkirroq.
Jonzotki yo'q dunyoda
Ikki qulog'i bilan,
Shunchalik sezgir quloq,
Mitra eshitgan kabi.
Yolg'onchilar barini
U ko'rib turguvchidir,
Qudratli hamma birla,
Hujum qilib chiqar u,
Uchar u g'olibona,
Utkir bir qarash ila
Ko'rar barcha illatni.
(Va o'tkazar u ko'nglidan:)
Kim menga sajda qilur,
Mensimaydi kim meni,
Kimdan toparman topinch,
Kimga nozil barokat,
Baxt, kimga sog'liq
Ehson eta olurman.
Kim kutgan ezguligin
Mendan olishga loyiq.
Kimning pushtida bugun
Oliy nasab avlodlar
Urug'ini undirgum.
O'zimizga tansihat.
Yovimizni uzoqdan
Ko'rmoqlikka ber imkon.
Bir zarb ila ularni
Mahv etaylik beomon,
Yovki bordir, barchasin
Va yuzma-yuz har birin.
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
O, uy sardori Mitra,
Urug', aymoq va xalqning
Mamlakat, jamoaning
(Sardori ulug' Mitra).
Mazdayasna imonin
So'zi ikki do'st aro
Aytilsa, yigirma bora
Yurtdoshlar aro bu so'z
Aytilsa, bora o'ttiz
Emakdoshlar orasida
Qirq bora aytilsa, u
Er-xotin o'rtasida
Ellik bora takrori
Shogirdlar orasida
Oltmish bor aytilsa,
Shogirdu ustoz aro
Yetmish bora aytilsin,
Kuyovu qaynotalar
Sakson bor aytsa takror,
Aka-uka o'rtada
Bu so'zni to'qson aytar.
Ota va o'g'il esa
Ahdi yuz bora takror
Ming bora qayta aytar,
Ikki yurt ushbu so'zni
Va milliard, cheksiz bor
Mazdayasna Imonin
So'zin takror etilsa,
Va tazarru aylasin.
Yigirma darra olgan
Kabi tavba aylasin,
So'ng yuzlansin Mitraga
Yaylovlari keng zotga
Xaoma ehsonidan
Aslo icha ko'rmasin,
Hech zotki agar bilmas,
Hamdu sano oyatin
Yo Visprat surasini.
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
Nurli jannat makonda
Axuramazd yaratganga,
Biz hamdirmiz imonda.
Qo'l ko'tarib duoga,
O'lmasga nola qildi.
Alp Mitra olib chiqdi
Porloq Oqqush uyidan
O'zining yengil yurguch
Oltin arobasini
Ko'rkam chiroylisini.
Bu uchqur arobani
Tortar to'rtta parqu ot,
Ruh emgan va abadiy
Uchqur to'rtta arg'umoq.
Old tuyog'i oltindan
Orqasi kumush taqa,
To'rttovi bir bo'yincha
Bilan bitta qilib,
Rahmat nurdan eshilgan
Yog'och taqin birkitib,
Shotiga ilmoq etilgan.
Mitradan o'ng tomonda
Eng tik qomat, taqvodor
Baland bo'y Rashnu borar
A'lamlik so'l tomonda
Adl tik, avliyovor
Oq libos ichra, bu zot
Keltirar, xayru ehson
Budir libosi Imon
(Mazda diniga e'tiqod).
Mitraning izlaridan
Borar ma'bud Varaxran
G'azabnok Qobon misol,
Serjahl o'tkir tishli,
Xanjardek qoziq tishli,
Halok etar bir yo'la
Quturib yo'latmas zo'r,
Qo'rqinchli ola-bula.
Uchmoqda tengi yo'qdur,
Mitraning oldida-chi,
Porloq olov boradi
Kaviylar Xvarnosi.
Mitra arobasida
Yaylovi keng ul zotning,
Kichik tomiridan ming
A'lo kamon tortilgan,
Ilohiyvor uchguvchi,
Ilohiy bor tekkuvchi
Devxar Manfur boshiga.
Mitra arobasida
Yaylovi keng ul zotning
Oltin poynak ming o'q bor.
Sara o't, pat boshoqli,
Vahshiy qush qanotidan
Shohdan ikki nayzali
(Qayqi ilmoq sanchqili),
Ilohiyvor uchguvchi,
Ilohiyvor tekkuvchi
Devlar manfur boshiga.
Mitra arobasida
Yaylovi keng ul zotning
Ming nayza-sanchqi bordir
Sara, o'tkir uchdordir.
Ilohiyvor uchguvchi,
Iloxiyvor tekkuvchi
Devlar Manfur boshiga.
Mntra arobasida
Yaylovi keng ul zotning
Ming bolta — cho'qmor bor,
Eng yaxshi ma'danlardan
Qo'sh tig'li va o'tkir
1lohiyvor uchguvchi,
Ilohiyvor tekkuvchi
Devlar manfur boshiga.
Mitra arobasida
Yaylovi keng ul zotning
Ming pichoq bor - dudama
Ikki tomoni tig'li,
Ilohiyvor uchguvchi,
Ilohiyvor tekkuvchi
Devlar manfur boshiga.
Mitra arobasida
Yaylovi keng ul zotning
Bordir mingta.
Sara, ma'dan temirdan
Ilohiyvor uchguvchi,
Ilohiyvor tekkuvchi
Devlar manfur boshiga.
Mitra arobasida
Yaylovi keng ul zotning,
Uning ajib boltasi
Qulochlab, solmoqqa o'ng
Yuz keskir, yuz zarbli,
cho'ng'.
Yiqqich yovni yuz tuban
Sariq ma'dandan quyma,
Usti toza oltindan.
Qudratli quroldir bu
Uni madadga chorlar.
Sigir bo'zlab termulalar
Madad o'tinib undan
Sog'ib ol, deb yolborar.
Qolin cho'zib mitradan,
Uni yordamga chorlab,
Haqqo'y gado o'tinar,
Mahrum bo'lgan huquqin.
Bul yolborishning sasi
Ko'k yalinlari uzra,
Yerin charx aylangusi,
Yetti iqlimdan osha.
Namozla etar parvoz,
(Go'yo muqaddas) sigir
Ma'rab taratgan ovoz.
Uni haydab ketgan chog',
Duoga ko'tarib qo'l,
U yordamga chorlaydi,
Eslaydi podasini:
«Qachon bizni orqaga –
Podaga eltar Mitra,
Yaylovlari cheksiz zot.
Qachon haqqa qaytarar,
Yolg'on yaylovda sarson
Chin yo'l izlaganlarni».
Kimdanki rizo bo'lsa,
Shuni qo'llaydi Mitra,
Yaylovlari cheksiz zot.
Kim g'azabga sazovor,
- Vayron aylaydi Mitra
Keng o'tloqli, yaylovdor,
Uylaru, qo'noqlarin
Tumanu, el-yurtlarin
Mamlakatlarin barin.
Baxt uchun namozimiz...
Mitraga topinurmiz...
Shifobaxsh va oltin ko'z,
Nurli pok Xaoma-la,
Unga ibodat qilgan.
Ko'ko'par Xaratining
Hukar'ya atalgan cho'ng
Eng yuksak cho'qqisidan
Pokiza va top-toza,
Begidir Barsman ila,
Toza xayru ehson-la,
Bexato oyatlar-la,
(Mitraga topinurmiz).
Axura Mazda mug' qilib,
Yoniga oldi uni.
Ibodatga sidq ila,
Shavq ila kuylagichni.
Kohin dildan ulug'vor,
Namoz yo'llab astoydil,
Ezgu haq buyrug'incha.
Eng maqbul hokimlik-la,
Purhikmat Vali haqqi,
O'lmas Butunlik birla,
Odamlar kirgan dinni.
(Ma'qul qildi Axur Mazd).
Abad O'lmas Valilar
Tanladilar shu dinni,
Mitraga-chi, Yaratgan
Ul mehribon Axur Mazd
Yer yuzida ustivor.
Hokimlik hukmin berdi.
O'lmas Valilar Seni
Hakimu hokim derlar.
Sen dinni poklaguvchi
Ezgu yaralgan dinni.
Ikki dunyoda bizni
Saqlagin panohingda,
Yaylovlari keng Mitra!
Bu foniy dunyoda ham,
U boqiy dunyoda ham,
Aldoq O'limdan asra,
Aldoq g'azabdan saqla.
Aldov lashkarlarining
Jirkanch qonli yalovin,
Ko'targan yovdan saqla,
Devlardan badkor, chirkin.
Achchiq nafrat g'iz-g'izon
Etgan g'azab qasdidan
(Saqla bizni, ey Mitra!).
Ulovimizga madad
Bergil Mitra, ey iloh,
Yaylovlari keng ma'bud.
Salomatlik ber bizga
Yovni uzoqdan ko'rgich,
O'tkir ko'z bergil bizga.
Bir zarb ila dushmanni
Yog'iy va nodo'stlarni
Va harki yovni bir-bir
Tokim biz mahv etaylik.
Baxt uchun namozimdir...

Mitraga topinurmiz...
Yer enin quchib o'tgich,
Quyosh botgan chog'ida
Keng Yerning ikki chetin—
Hadsiz yumaloq yerning
Chetlarin qamrab o'tgich,
Samoyu arz aro ne-
Ki bor, borin ko'rgich
(Mitraga topinurmiz...)
Qo'lda yuz tig'li bolta —
Yuz zarbli asbob tutgan.
Uchar o'ng tomon uzra,
Aylanib keng zaminni
Chekiga yetib bo'lmas
Yumaloq, cho'ng zaminni.
Asha do'sti Sraosha
Mitradan o'ngda uchar.
Bo'ydor qudratli Rashnu
Mitradan so'lda uchar.
Suvlar, o'simlik, ko'klar,
Barcha valilar ruhi
Mitrani o'rab borar.
Burgut patli o'q berar,
Ularga xudo Mitra.
Ucharoq agar yetsa,
Dushmanlarning yurtiga,
Avvalo etar xarob
Bir zarb ila ularning
Odamin va otlarin.
Bir yo'l qaqshar Mitradan
Ham odamu, ham otlar.
Baxt uchun namozimiz...
Mitraga topinurmiz.
Otlari uning oppoq,
Nayzasi uzun, sanchoq,
Tez uchardir o'qlari
Yiqar, bo'lsa ham uzoq
Otsa chaqqon askari.
Uni Xormuz yaratdi,
Borliq ezgu dunyoni,
Asraguvchi ma'bud deb,
U soqchidir, qo'riqchi.
Borliqni asraguvchi,
Mazda yaratganlarni
Uxlamay, poylaydi u,
Uxlamay, asraydi u.
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
Yolg'onchini tutar u,
Uzun qo'llari bilan,
Sharqda qallob ushlanar.
G'arbda u halok bo'lar,
Ranxa boshida bo'lsin,
Xoh bo'lsin yer qa'rida
(Baribir tutar Mitra).
Yolg'onchini qamrovga
Olar ikki qo'l ila.
Adashgan o'ksik kishi,
Mungli qalbning sohibi,
Qayg'u-la shunday o'ylar
Ki, go'yo Mitra ko'rmas.
Qabohatning birini,
Razolatni u ko'rmas,
Ko'rmas barcha yolg'onni,
Kimni qudrat va hukm,
Va yengilmas cherik-la,
Kutmaganda taqdirlay,
Hokimi mutlaq gazab-la,
Yog'iy hokimin boshin,
Shafqatsiz tashlar yanchib,
Jazosin olmog'i chin.
Agar jaholat qilsa,
G'azabnok to'lsa agar,
Mitraning bir so'zi-la,
Tushib qolar g'azabdan,
Solihlik bo'lur ato.
Kimga dard, kimga o'lim,
Yo'qsillik va baxtsizlik
Keltirib jazolayin.
Kimning zotli avlodin
Bir zarb-la mahv etayin.
Kimning zo'r hokimiyat
Yengilmas cherigini
Birdan tortib olayin,
Hokimi mutloq yanchar
Yov hokimining boshin
Jazosin kechiktirmas,
Agar minsa jahlga
Mitradan olar madad
Va tushar u junbushga
(Bo'lsa gar Mitra xudo
Yomon so'zdan norizo).
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
Kumush nayza qo'lida
Oltin sovut egnida
Qamchi-la haydab borar,
Yag'rindor ulug' sarboz.
Mitraga sirinuvchi
Yurtlarga kelgan choqda,
Keng vodiylarni ehson
Qilar yaylovlar uchun,
Unda poda va odam
Yayrab yashaydi har dam.
Madadga kela qolsin
Mitra birlan Axura!
Qamchinining zarbidan
Otlar kishnar yuz karra.
Havoda xushtak chalgan
Qamchilari va tarang,
Kamonlarining uchqur
O'qi tig'i, nishidan
Qon to'kkanlar qirilur
(Suprilur yer yuzidan).
O Mitra, ato ayla,
O yaylovi cheksiz zot,
Ulovimizga quvvat
Purqudrat kunlar kelur,
Vaqti zafarlar kelur.
(Mitra vahiy ayladi):
«Ibodatin ijobat
Qilgumdir men albatta
Xoh faqir, xoh podshohning.
Xara osha uchgan kun
Kabi, o Spitama,
Ibodatin men labbay,
Deb ijobat qilg'ayman,
Xoh faqir, xoh podshohning
Orzusiga zid o'la».
Razil Axrimanyo'ning
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
«Mitraga sig'ingil va
Undan xabar ber (elga
Mening elchim), Spitama!»
Talpinsinlar Mitraga
Barcha Mazdayasniylar
Barcha molu, qo'y, echki
Darrandayu, parranda
Qanot birla uchguvchi.
Qo'riqlar qo'rchi Mitra,
Mazdaga imondorni
Muqaddas Xaoma mo'l
Qo'yib ehson aylasin,
Imonli taqvodorlar
Undan to'ysin va qonsin,
So'ng Mitra sharaflansin,
Yaylovlari cheksiz zot,
Tokim ko'ngli chog' bo'lsin,
Qahrin qo'yib rahmatin,
(Bandalarga yog'dursin),
Spitama Zaratushtra
Xormuzddan so'rab turur:
«O, Axura, ayt menga
Taqvodorlar ehsonni
Qay tarz iste'mol qilsin,
Tokim, Mitra sharafroq
Bo'lsin, Yaylovlari keng
Bizlardan bo'lsin rizo
Qahrin ko'rmasin ravo».
Axura Mazda dedi:
«Uch kecha va uch kunduz
Qilsin g'usl, tahorat
Va tazarru aylasin
O'ttiz darra olgandek».
So'ng yuzlanib Mitraga
Yaylovlari keng ul zot,
Sha'niga namoz eltsin:
Ikki kecha va kunduz
O'zin yuvib tarasin

O'qituvchiga yordam

Yovga solar u qutqu
Va zafarnok qurol bu —
Ilohiyvor uchguvchi,
Ilohiyvor tekkuvchi
Devlar manfur boshiga.
Barcha devni mahv etib,
Kazzoblar barin qirib,
Qasamxo'r dodin berib,
Mitra uchib o'tadi.
Yaylovlari keng ul zot
Sharq-G'arb osha o'tadi,
Shimol-Sharqu,
Shimol-G'arb,
Janub-Sharqu, Janub-G'arb
Go'zal yer uzra uchar
Va porloq Xvanirat
(Uzra uchib u o'tar).
Unga peshvoz titraydi,
Qabih chirkin Axriman
Va la'nati Jaholat
Titrar uning oldida.
Uzunqo'l Tanballik ham,
Titrar uning oldida,
Unga peshvoz titrarlar
Borliq bari devlar ham,
Gunohkor yolg'onchilar.
Derlar: «Bizni jazoga
Mustahiq qilma Mitra,
Yaylovlari cheksiz zot!
Bizni o'ldirma, Mitra,
Yaylovlari cheksiz zot!»
Eng qudratli xudo bo'b,
Eng jasur bo'lib ma'bud,
Eng chaqqon bo'lib ma'bud,
Eng zafarvor eng g'olib,
Mitra yerga tushadi,
Yaylovlari keng ul zot.
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
Oppoq arg'umoqlari
Tortar ul arobani
Bir g'ildiraklini tortar,
Oltinu toshlar ila,
Yarqiroq bezaklini
O'z maskani tomonga
Ehson keltirgan chog'i.
«Savob bo'lsin har kimki, -
Dedi Axura Mazda, —
O, sodiq Zaratushtra,
Taqvodor kohin kimga
Duosin bag'ishlasa,
Tajribali va olim
Kohin namoz yo'llasa,
Barsman bilan burkasa,
Mitraga ehson etib!
Shu zotning makoniga
Kelur to'gridan-to'gri
Mitra, Qohin agarki kimdan
Bo'lsa, chin dildan rizo
Aytgan so'zga muvofiq
Va a'molga, muvofiq».
Kulfat kelsin u zotga,—
Dedi Axura Mazda,—
O, sodiq Zaratushtra,
Kimni riyokor kohin
Tajribasiz, bebilim
Namozda duo qilsa,
Qo'liga tutar barsman
Yoysa ham hatto uni
Ibodatla kuf-suflab
(Kor qilmasin ul zotga).
Mazda yarlaqamagay,
Avliyo ameshaspant
Va Mitra rahm etmagay,
Yaylovlari cheksiz zot.
Agar kim mensimasa,
Mazda va o'lmaslarni
Avliyo va Mitrani —
Yaylovlari keng zotni
Xor etsa, Rashnu yasog'in,
Xor etsa, haqiqatni
Dunyoni ulg'aytguvchi
Haqni kim mensimasa,
Baxt uchundir namoznm...
Mitraga topingaymiz...
«Mitraga sig'inurman,—
Dedi Axura Mazda,—
Ezgu va qudratliga
Samoviy va Afzalga
Eng rahmdil va ajib
Makoni osmondaga
Va qahramon sarbozga.
U tutar, o Spitama,
Qo'lida g'olib qurol,
Qo'lida g'olib aslaha,
U zulmatda ko'z yummas,
Aldovlarga u uchmas.
Kuchlilardan kuchlidir,
Donolardan u dono,
Uning ortidan yelib,
Borar g'olib Xvarno,
Ming quloq va qudratli
Milliard ko'zli xudo
Aldab bo'lmas ibtido!»
Baxt uchundir namozim...
Mitraga topinurmiz...
U eng buyuk ma'buddir,
Muqaddas Ruh tong
saharda
Yaratgan uni qodir,
Yaratgan uni shu choq,
Oy to'lishganda porloq.
Nur yog'ilgan porloq yuz,
Go'yoki Zuha1 yulduz:
«Mitraga sig'inurman,—
Dedi Axura Mazda,—
Uchqur arobasini
Quyoshdan ziyo emgan,
Quyoshdek nur taratgan
Dunyoda tengsiz go'zal,
Ma'buda Ashi tortgan.
Uning arobasiga
Topinchim va imonim,
Chunki u ham yaralgan.
Avliyo Ruh hukmidan
Va yulduz-la bezalgan
Munojotim ul buyuk,
Voqif xudo Mitraga
Ko'zlari o'n mingtaga —
(Barcha yerda hozirga)
Aldanmas ul nozirga!»
Baxt uchundir namozim...

Mitraga topinurmiz...
Mitraga topinurmiz,
Yurtga tomon yurganda,
Yurtlar aro turganda,
Mitraga topinurmiz.
Yurt ichinda, yurt uzra
Mitraga topinurmiz,
Yurt girdida, ostida
Mitraga topinurmiz,
Yurt ortida bo'lsa ham.
Axuraga va Mitraga
Bo'lsin bizning e'tiqod,
Ul abad va ulug'vor
(Xudolar bo'lsinlar shod).
Oy-yulduzga ibodat
Ham quyoshga e'tiqod,
Barsman ko'kati qo'lda
Barcha. ellar sultoni —
Qodir Mitraga bizning
(Topinchu namozimiz!)
Baxt uchundir namozim...
Baralla ibodat-la,
Keltirib qurbonliklar,
Mitraga sig'inurman,
Yaylovlari keng zotga
Va rohat berguvchiga.
Ariylar yurtlariga
Farog'at berguvchiga.
Bizga bo'lsin madadkor
Bepoyonlik haqqi u
Bizga bo'lsin xudo yor,
Rahmu shafqat qilsin u.
Bizga hoziq — kelsin u,
Bizlarga bersin zafar,
Keltirsin omad, baror
Pokdomonlik keltirsin,
Qodir Mitra, muzaffar,
Yolg'onga aldanmas u,
Bir dunyo maqtovlarga
Mitra loyiq, sazovor,
Cheksiz o'tloq yaylovdor.
Mitraga topinurmiz,
Hilqat ichra qudratliga
Keltirib qurbonliklar,
Unga e'zoz, namozim,
Baralla ibodatim,
Ta'zim bajo Mitraga,
Yaylovi cheksiz zotga.
Mitraga topinurmiz:
Yaylovlari keng zotga,
Sut qotib xaomaga
Va barsman tugib qo'lda,
Nozik til san'ati-la,
Muqaddas duo o'qib,
So'zu ish birligi-la:
Qurbonlik solib, to'kib,
Haq so'zin to'g'ri so'zlab,
Haqiqatni e'zozlab,
«Namozim yo'llamoqni
Axur Mazd savob bilan
Ul zotgadir namozim».
«Eng ezgu ma'bud sifatida
Ibodatim va sharaflov,
qudrat
Va kuch tilayman Mitraga,
Yaylovlari keng zotga va
Osoyish ma'budu
Ramanga —
O'tloqlari bo'liqqa.
Haqiqat — eng oliy
ne'mat...»

M. Isxoqov tarjimasi.